



## ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

### МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳайъат раиси – бош муҳаррир  
Я.Абдулхаков (PHD)

Ҳайъат раисининг ўринбосари –  
масъул муҳаррир

Б.Жалолов  
(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист)

Муассис вакили

О.Кулбеков

Масъул котиб

Р.Базаров

Ҳайъат аъзолари:

Б.Валиев

М.Рустамбаев (DSc, профессор)

М.Мамасиддиқов (DSc, профессор)

М.Зиядуллаев (DSc, профессор)

Б.Муродов (DSc, профессор)

А.Шарафутдинов

(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
юрист)

Б.Пўлатов (DSc, профессор)

И.Файзуллаев

С.Нуриддинов

У.Авилов

С.Орипов

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига қайтарилмайди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,  
Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 1209 рақами билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2181-2543

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси (ОАК) Раёсатининг 2021 йил 30 октябрдаги 308/6-сон қарори билан Юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналлар рўйхатига киритилган.





# МУНДАРИЖА

ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ / СЛЕДСТВЕННЫЙ ДЕПАРТАМЕНТ | 2/2022. 14-сон

**Абдулхаков Яхёжон Артикбаевич,  
Ахмадалиев Элёр Алишер ўғли,**  
Инсон аъзолари ва тўқималарининг  
трансплантацияси билан боғлиқ жиноятларни  
тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари

4



**Жалолов Бахтиёр Одирович,**  
Жиноятларни тергов қилишнинг бугунги  
сифати ва мавжуд муаммоларни бартараф  
этишда эътиборга олиниши лозим бўлган  
ҳолатлар

8

**Рахмонова Сурайё Махмудовна,**  
Необходимость судебного контроля за  
осуществлением экстрадиции как важной  
функции судебной власти

16

**Зуфаров Ахмад Марсович,**  
Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш  
жиноятини квалификация қилишнинг ўзига  
хос хусусиятлари.

22



**Қулбеков Ойбек Турсиналиевич,**  
Номусга тегиш жинояти учун жавобгарликни  
оғирлаштириш - бугунги давр талаби.

26

**Базарова Дилдора Бахадировна,**  
Право несовершеннолетних на участие  
защитника на этапе допроса: зарубежный  
опыт и вопросы совершенствования уголовно-  
процессуального законодательства Республики  
Узбекистан

30

**Қадирова Моҳигул Ҳамитовна,**  
Жиноят процессини рақамлаштириш  
(digitalization) моделлари

36



**Ботаев Мурод Джуманшикович,**  
Терговга қадар текширувда шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўллари

42



**Фурсов Валерий Витальевич,**  
Проблемные вопросы деятельности частных судебных экспертов в российской федерации

48

**Назаров Шербек Улугбек угли,  
Гоибов Асилбек Зайлобиддин угли,**  
Международные стандарты независимости судов

54



**Муродов Бахтиёр Баходирович,  
Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли,**  
Реабилитация институтининг назарий-ҳуқуқий таҳлили

60

**Дусманов Санджар Абдужалолович,**  
Жиноят ишлари юзасидан соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг тарихий-тадрижий ривожланиш босқичлари

64

**Абдурахимов Мухтор Ходжиақбарович,**  
Ҳодиса жойида биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни аниқлаш ва олишнинг ўзига хос хусусиятлари

70



**Шомирзаев Саҳодулла Хасанбоевич,**  
Ўзбекистонда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга нисбатан жавобгарлик масалалари

74



# ИНСОН АЪЗОЛАРИ ВА ТЎҚИМАЛАРИНИНГ

## ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРИ

### ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

**Абдулхаков Яхёжон Артикбаевич**  
Ўзбекистон Республикаси ички  
ишлар вазири ўринбосари – Тергов  
департаменти бошлиғи  
Юридик фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Abdulkhakov Yahyojon Artikbaevich**  
Deputy Minister of Internal Affairs  
of the Republic of Uzbekistan  
- Head of Investigation department  
Doctor of Philosophy in Law (PHD)

**Ахмадалиев Элёр Алишер ўғли**  
Тергов департаменти Халқаро ва  
алоқалар бўлими ўта муҳим ишлар  
бўйича терговчиси,  
мустақил изланувчи

**Akhmadaliyev Elyor Alisher ugli**  
The investigator on extremely important cases  
of the International and communications  
department of the Investigation Department  
Independent researcher



**АННОТАЦИЯ.**  
Мазкур мақолада  
инсон аъзолари  
ва тўқималарини  
трансплантация қилиш  
тартиби ва шартлари  
бўйича қонунчиликда  
белгиланган талаблар,  
ушбу соҳадаги  
жиноятлар ва уларни  
тергов қилишнинг  
ўзига хос жиҳатлари  
бўйича илмий-назарий  
фикрлар баён қилинган.  
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** қонун,  
жиноят, жазо, жиноий  
жавобгарлик, тергов,  
инсон аъзолари ва  
тўқималари, реципиент,  
трансплантация.

**ANNOTATION.** This  
article describes scientific  
and theoretical opinions  
on the requirements  
established by the law  
on the procedures  
and conditions for  
transplantation of human  
organs and tissues,  
crimes in this area and  
specific aspects of their  
investigation.  
**KEYWORDS:** law, crime,  
punishment, criminal  
liability, investigation,  
human organs and  
tissues, recipient,  
transplantation.



**М**

аълумки, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас [1].

Сўнги йилларда тиббиётда бошқа шахсларнинг аъзолари ёки тўқималарини кўчириб ўтказиш йўли билан одамларни қутқариш ёки даволаш чоралари кенгайиб бормоқда. Айрим жинойий гуруҳлар эса, бундан ўз мақсадлари йўлида шахсларнинг аъзолари ёки тўқималарини олиш ва келажакда сотиш учун фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказмоқдалар.

Тирик донор ёки мурданинг аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилишга фақат касал ҳаётини сақлаб қолиш ёки унинг соғлиғини тиклашда тиббий воситаларнинг бошқа усуллари ёрдам бериши мумкин бўлмаган ҳолдагина, шунингдек, инсон аъзоларининг ёки тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мутахассис-шифокорлар томонидан берилганда йўл қўйилади.

Ушбу соҳадаги энг катта ислоҳот шубҳасиз жорий йилнинг 11 май куни «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу Қонун қабул қилиниши натижасида 2022 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан Жиноят кодекси инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси билан боғлиқ жинойий нормалар билан тўлдирилди. Шунингдек, Жиноят кодексининг эски таҳрирдаги 133-моддасининг (Инсон аъзо-

лари ёки тўқималарини ажратиб олиш) номи ва диспозициясига тегишли ўзгартишлар киритилди.

Таҳлилларга кўра, сўнги икки йил давомида инсон аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилиш билан боғлиқ жиноятлар қайд этилмаган.


Жорий йилнинг 6 оyi давомида ҳам бу турдаги жиноятлар содир этилганлиги аниқланмаган.

Бироқ, мазкур таҳлил натижасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда бу турдаги жиноятлар умуман содир этилмапти деб бўлмайди. Чунки, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси билан боғлиқ бўлган жиноятларда аъзолари ёки тўқималари трансплантация қилинадиган шахсларнинг бедарак йўқолиши эҳтимоли юқори. Бу каби ҳолатлар ушбу турдаги жиноятларнинг фoш этилмаслигининг асосий омили ҳисобланади.

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда албатта трансплантация шартлари ва тартиби бўйича қонунда белгиланган талаблар билан тўлиқ танишиб чиқиш лoзим. Мазкур талаблар қуйидагилардир:

- ◆ тирик донордан ёки инсон мурдасидан аъзоларни ва тўқималарни трансплантация қилиш фақат бошқа жарроҳлик амалиётлари ёки муолажалар реципиент ҳаётини сақлаб қолишни ёхуд унинг соғлиғи тиклашнинг кафолатлай олмаслиги, шунингдек инсон аъзоларининг ва тўқималарининг трансплантацияси зарурлиги тўғрисида мутахассис-шифокорларнинг тиббий хулоса берганлиги;

- ◆ реципиентнинг бўлажак жарроҳлик амалиёти муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар



*Инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш фуқароларнинг соғлиғини тиклаш ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш воситаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиб, бошқа шахсга ўтказиш қонун талабларига амал қилиниб, инсон ва жамият манфаатларини устун қўйган ҳолда амалга оширилиши лозим.*

ҳақида имзо қўйдирилиб, мажбурий тартибда видеоёзувга қайд этиш орқали огоҳлантирилган ҳолда ёзма розилик берганлиги;

- ◆ реципиент ўн саккиз ёшга тўлмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса ёхуд реципиентнинг ўзидан розилик олишнинг имкони бўлмаган ҳолда унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили ёзма розилик берганлиги;

- ◆ инсон аъзоларини ва тўқималарини унинг мурдасидан олиш учун ушбу шахснинг тириклигида ёзма розилик берганлиги ва ушбу розилиги нотариал тартибда тасдиқланганлиги;

- ◆ тирик донордан аъзоларни ва тўқималарни олишга фақат, ушбу жарроҳлик амалиёти вақтида унинг кўриш, нутқ, эшитиш қобилияти йўқолишига ёхуд аъзосининг функциялари қисман ёки тўлиқ йўқолишига, руҳияти бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган тарзда ёки соғлиғининг меҳнат қобилияти ўттиз уч фоиздан ортиқ тарзда барқарор йўқолишига олиб келадиган бошқа бузилишига сабаб бўладиган тарзда зиён етмаслиги тўғрисида тиббий хулосанинг мавжудлиги;

- ◆ тирик донор аъзоларини ва тўқималарини олиш бўйича бўлажак жарроҳлик амалиёти ёки муолажа муносабати билан ўз соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган асоратлар ҳақида камида ўттиз кун олдин ёзма шаклда, видеоёзувга қайд этган ҳолда огоҳлантирилганлиги;

- ◆ тирик донор ўз аъзосини ва тўқималарини олишга ихтиёрий равишда, бепул асосда, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклда розилик билдирганлиги;

- ◆ ҳар тарафлама тиббий текширув натижасига кўра тирик донорнинг аъзосини ва тўқималарини трансплантация қилиш учун олиш мумкинлиги тўғрисида мутахассис-шифокорлар тиббий хулоса берганлиги /ва бошқа.

**Қонун талабига кўра, қуйидагиларга нисбатан инсон аъзоларини ва тўқималарини олишга йўл қўйилмайди:**

- ◆ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга (бундан суяк илигини трансплантация қилиш ҳоллари мустасно);

- ◆ белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолатнинг бузилишларига чалинган шахсларга;

- ◆ қамоқда ёки озодликдан маҳрум этиш жойла-

рида сақланаётган шахсларга;

- ◆ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

- ◆ ҳомиладор аёлларга;

- ◆ шахси аниқланмаган шахсларга;

- ◆ муайян яшаш жойи бўлмаган шахсларга;

- ◆ «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйларида яшовчи шахсларга;

- ◆ аъзоси ва тўқималари илгари трансплантация учун олинган шахсларга [2].

Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси билан боғлиқ жиноятлар Жиноят кодексининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида турли боб ва моддаларда белгиланган [3].

Жумладан:

1) Ҳаётга қарши жиноятлар бобининг 97-моддаси (Қасддан одам ўлдириш) иккинчи қисми «н» бандида инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини ушбу банд билан квалификация қилиш учун трансплантант олиш ёки мурдадан олинган қисмлардан фойдаланишга нисбатан тўғри қасд мавжудлигини аниқлаш зарур. Бунда айбдор қотилликдан кўзланган мақсадга эришган бўлиши шарт эмас [4];

2) Соғлиққа қарши жиноятлар бобининг 104-моддаси (Қасддан баданга оғир шикаст етказиш) иккинчи қисми «и» бандида инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш мақсадида қасддан баданга оғир шикаст етказиш учун беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Жабрланувчи баданига унинг органлари ёки тўқималарини қонунсиз олиш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам, трансплантация мақсадида уни ўз органлари ёки тўқималарини беришга мажбурлаш пайтида етказилган оғир шикаст ҳам ушбу модданинг иккинчи



қисми «и» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг ҳаракатлари натижасида киши органи ёки тўқимаси олинган бўлиши шарт бўлмай, унда трансплантат олиш мақсади борлиги аниқланишининг ўзи кифоя [5];

3) Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар бобининг 115<sup>1</sup>-моддасида (Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш) инсонни ундан аъзоларини ва тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб мажбурлаш учун уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида ўша ҳаракатларни ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этиш учун беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

4) Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар бобининг 133-моддасида инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини, тартибини бузиш учун, 133<sup>1</sup>-моддасида инсон аъзоларининг ва тўқималарининг олди-сотдиси учун, 133<sup>2</sup>-моддасида инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

5) Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар бобининг 135-моддаси (Одам савдоси) иккинчи қисми «к» бандида инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш мақсадида одам савдоси жинояти учун беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Одам савдосининг асосий элементлари ҳисобланган одамларни ёллаш, ташиш, топши-

риш, яшириш ёки қабул қилиш улардан фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Одамлардан фойдаланиш деганда бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёхуд қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёхуд инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш тушунилади [6].

Қилмишни Жиноят кодекси 135-моддаси иккинчи қисмининг «к» банди билан квалификация қилиш учун айбдорнинг Жиноят кодекси 135-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлари киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириб (трансплантат) мақсадида содир этилганлигини аниқлаш шарт. Таҳлил этилаётган жиноятни баҳолаш учун жабрланувчининг ўз тана аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишга рухсат берган ёки бермаганлиги юридик аҳамият касб этмайди. Бунда айбдорда одамдан фойдаланиш учун юқорида қайд этилган мақсад аниқланганлигининг ўзи кифоя бўлади [7].

Бундан ташқари, ушбу бобнинг 137-моддаси (Одам ўғирлаш) учинчи қисми «в» бандида инсон аъзоларини ва тўқималарини олиш мақсадида одам ўғирлаш учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш фуқароларнинг соғлиғини тиклаш ва инсон ҳаётини сақлаб қолиш воситаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиб, бошқа шахсга ўтказиш қонун талабларига амал қилиниб, инсон ва жамият манфаатларини устун қўйган ҳолда амалга оширилиши лозим. Ушбу қонун талаблари бузилишининг ҳар қандай кўриниши белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради ва мазкур жиноятларни тергов қилишда энг аввало юқорида санаб ўтилган инсон аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилишнинг тартиби ва шартлари бузилган ёки бузилмаганлиги аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

## ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - <http://old.lex.uz/docs/20596>;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида» УРҚ-768-сон Қонуни - <http://old.lex.uz/docs/6001286>;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси - <http://old.lex.uz/docs/111453>;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 13-сон қарори - <http://old.lex.uz/docs/1455961>;
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 6-сон қарори - <http://old.lex.uz/docs/1592419>;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» УРҚ-633-сон Қонуни - <http://old.lex.uz/docs/4953314>;
7. «Жиноят ҳуқуқи» махсус қисм-дарслик. Тошкент -2014, 106-б.



# ЖИНОЯТЛАРНИ БУГУНГИ СИФАТИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ



**Бахтиёр ЖАЛОЛОВ,**  
*Тергов департаменти бошлиғининг  
биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда  
хизмат курсатган юрист*

**Bakhtiyar JALOLOV,**  
*First Deputy Head of Investigation  
Department, Honored Lawyer in  
Uzbekistan*

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилган илоҳотлар, жиноятларни тергов қилишнинг бугунги кўриниши ва ундаги мавжуд муаммолар, ушбу муаммоларни бартараф этишда эътиборга олинishi лозим бўлган ҳолатларни ёритиш кўзда тутилган.

**Калит сўзлар:** жиноятларни тергов қилиш, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят иши, тергов ҳаракатлари, процессуал ҳаракатлар, оқлов, жиноят.

**Annotation.** In the article, it is planned to highlight the steps taken to improve the effectiveness of the investigative units of the internal affairs bodies, the current state of crime investigation and the existing problems in it, and the cases that should be taken into account when eliminating these problems.

**Keywords:** investigate of crime, investigation, preliminary investigation, criminal case, investigative actions, procedural actions, acquittal, crime.

# ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ



## ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚОЛАТЛАР

**THE CURRENT QUALITY OF CRIMINAL INVESTIGATION AND SITUATIONS THAT  
NEED TO BE TAKEN INTO CONSIDERATION IN ELIMINATING EXISTING PROBLEMS**

Давлатнинг энг асосий вазибаларидан бири фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини таъминлаш ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини юксалтириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратилишига эришилмоқда.

**Хусусан, тергов бўлинмалари амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида:**

– илғор хорижий давлатларнинг инновацион ёндашув асосида ҳуқуқшуносларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва касбий маҳоратини ошириш борасидаги тажрибаси ўрганилиб, барча тергов бўлинмаларида “**Инновацион виртуал тергов полигони**” ташкил этилди [1].

– “**Тергов бўлинмаларида тезкорликни таъминлаш, жиноятларни иссиқ изидан фош этиш ва ҳодиса содир бўлган жойга зудлик билан етиб бориш ва терговга қадар текширув олиб бориш учун кенг шароитлар яратиш мақсадида “Volkswagen Tredline Maxi” автомобили базасида мобил тергов лабораторияси яратилди** [2].

– Тергов департаменти ҳамда ҳудудий тергов бўлинмаларининг тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун мўлжалланган хизмат хоналари **видеокузатув ҳамда овоз ёзиш мосламалари билан жиҳозланди**.



Ҳозирда **1 328** та тергов ва процессуал ҳаракатлари ўтказиладиган хизмат хоналарининг **1 321 таси** ёки **99,5 фоизи** видеотасвирга олиш имконини берувчи видеокузатув мосламалари билан жиҳозланди.

**Тергов сифатини янада ошириш, ходимлар орасида қонунчилик ва хизмат интизомини бузиш ҳолатларининг олдини олиш борасида:**

– Тергов бўлинмалари ходимлари орасида қонунчилик ва хизмат интизомини бузиш ҳолатларининг олдини олиш, тергов раҳбарларининг процесс иштирокчилари ва уларнинг қариндошлари билан суҳбат ўтказиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида Тергов департаментининг **10.03.2021** йилдаги **18/1717**-сонли кўрсатмаси ишлаб чиқилди.

**Кўрсатмага асосан,** процесс иштирокчиларига нисбатан тамағирлик ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида **жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи** ва уларнинг қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан **тергов раҳбари** томонидан **суҳбатлар ўтказилиши** йўлга қўйилди.

– Фирибгарлик ва йўл транспорт ҳодисаси билан боғлиқ жиноятлар таҳлили ўрганиб чиқилиб, ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ички штат бирликлари доирасида Тергов департаменти ҳамда ҳудудий тергов бошқармаларида қуйидаги ихтисослашув бўйича бўлинмалар қайта ташкил этилди:

1. Терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш **бўлинмалари**;

2. Шахсга қарши қаратилган жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари;

3. Гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари;

4. Коррупция, фирибгарлик ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари;

5. Ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари;

6. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлинмалари [3].

– Тергов бошқармаларида Тергов бошқармалари бошлиқлари раҳбарлик қиладиган **“Маслаҳат кенгашлари”** фаолияти йўлга қўйилди.

Бунда, жиноятни малакалаш бахс-мунозарага сабаб бўлган мураккаб терговга қадар текширув материаллари ёки жиноят ишлари иштирокида муҳокама қилиниши ҳамда кенгаш хулосаси билан тегишли тавсиялар берилади.

**Ходимларнинг билим савиясини ва касбий салоҳиятини ошириш борасида:**

– Ички ишлар органлари

ходимларининг **замонавий қиёфасини яратиш**, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш ҳамда **соҳани рақамлаштиришга** эришиш мақсадида Тергов департаменти томонидан интерактив имкониятларга эга **“tergov-amaliyoti.uz” web-сайти** яратилиб, амалиётга жорий қилинди.

– Тергов департаментида соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантирилиб, кенг тарқалаётган **виртуал макондаги фирибгарлик**, психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар, **одам савдоси** ва **ўғирлик** жиноятларини тергов қилишнинг замонавий методикаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди [2].

– Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув асосида суриштирувчи ва терговчиларнинг жиноят ишлари бўйича судларда стажировка **ўтаб, билим ва амалий кўникмаларини ошириб бориш йўлга қўйилди.**

Стажировкани йўлга қўйишдан мақсад, терговчи ва суриштирувчилар суд мажлисларида бевосита иштирок этган ҳолда дастлабки тергов ва суриштирув давомида йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларни англаш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасида тегишли билим ва кўникмалар ҳосил қилишдир.

– Суриштирувчи ва терговчиларнинг касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги турларига қарши курашиш бўйича кўникмаларини шакллантириш мақсадида Ички ишлар вазирининг 2021 йил 30 мартдаги **“Ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг доимий малакасини ошириб бориш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора – тадбирлар тўғрисида”**ги фармойиши қабул қилинди.

Ички ишлар органлари Тергов бўлинмалари ходимлари билан ИИВ Академиясида ташкил этиладиган



10 кунлик малака оширишга қаратилган амалий ўқув машғулотларида Академиянинг профессор ўқитувчиларидан ташқари, Тергов департаментининг малакали ходимлари ва соҳанинг бошқа етук мутахассислари томонидан терговчи ва суриштирувчиларнинг малакаси оширилиб, уларга сертификатлар топширилди.

– Тергов департаментининг **“Тергов амалиёти” ҳуқуқий, илмий – амалий журнали** Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаси юзасидан диссертациялар илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган **илмий нашрлар рўйхатига киритилди.**

– **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юриштида ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105 сон қарори** амалиётга жорий этилди.

Қарорда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали 31 та давлат идоралари ва ташкилотлари билан электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

**Ягона тергов ахборот тизими жорий этилиши билан:**

сўровларни юбориш ва натижасини олиш 10-15 кундан 1-5 дақиқагача қисқаради;

қоғозга ортиқча маблағ сарфланиши ва қоғозбозликнинг олди олинади;

ходимларнинг иш самарадорлиги ва тергов сифати ошади;

фуқароларнинг суриштирув ва дастлабки тергов органи ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлар ўртасида сарсон бўлишларининг олди олинади [4].

Мазкур ислохотларнинг барчаси аввало инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шунингдек ички ишлар органларида тергов сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилган бўлса-да, айрим омиллар ханузга қадар тергов сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Булар:

– Суриштирувчи, терговчиларнинг иш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ва ўз навбатида тергов бўлинмаларидаги штатлар сони иш ҳажмига номувофиқлиги;

– Ички ишлар органлари тергов бўлинмларида суриштирув фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

– Тергов бўлинмалари ходимлари фаолиятини амалга оширишда айрим бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;

– Фаолиятни ташкил этишдаги айрим ноқулайликлар ва бошқа омиллар.

Ушбу омиллар таҳлили ва уларни келтириб чиқараётган шарт-шароитлар қуйидагилар:

биринчидан, суриштирувчи ва терговчиларнинг иш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганлигини таҳлилларда ҳам кўриш мумкин.


Мисол учун: охириги 4 йилда ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан тергов қилинган жиноят ишларини кўпайиб бориш тенденциясига қараладиган бўлса, тергов қилинган жиноят ишлари 2018 йилда **46 926** тани, 2019 йилда **42 459** тани, 2020 йилда **48 903** та, 2021 йилда **90 623** тани ташкил этган.

Худди шу давр мобайнида қайд этилган жиноятлар сони 2018 йилда **49 011** тани, 2019 йилда **46 089** тани, 2020 йилда **62 081** та, 2021 йилда **111 082** тани ташкил этган бир даврда ички ишлар тергов бўлинмалари ходимлари сони 7,6 % га камайган.

Таҳлилларда кўрииб турибдики, охириги 4 йилда жиноят ишлари ва жиноятлар сони **2 бараварга ошган** бир даврда терговчи штатлари сони **147 тага қисқартирилган.**



Охириги 4 йилда тергов қилинган жиноят ишлари 2018 йилда **46 926** тани, 2019 йилда **42 459** тани, 2020 йилда **48 903** та, 2021 йилда **90 623** тани ташкил этган.



Тўрт йил давомида тергов қилинган жиноий ишлар динамикаси

Бунинг оқибатида, терговчилар иш ҳажми йилдан-йилга ортиб бориб, юритувида бўлган процессуал ҳужжатларни тўлиқ ва сифатли тергов қилиш ўрнига ЖПКда белгиланган муддатларни бузмаслик мақсадида шошма-шошарлик билан қарор қабул қилишга уринишлар тобора ортиб боришини тақозо этмоқда.

Юқоридаги сабабларга кўра, жиноят ишлари прокуратура органлари томонидан қўшимча терговга қайтарилишига, судлар томонидан ЖПКнинг 416, 417-моддалари тартибда ажримлар чиқарилишига, судланувчиларнинг оқланишига, мухтасар қилиб айтганда тергов сифатини пасайиб кетишига олиб келмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида суриштирувчи ва терговчилар томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича **жами 58 нафар шахслар судлар томонидан оқланган.**

Тошкент шаҳрида **28** нафар, Тошкент вилоятида **7** нафар, Сурхондарёда **6** нафар, Қашқадарёда **3** нафар, Фарғона, Сирдарё, Навоий, Андижон ва Хоразмда **2** нафардан, Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва Қорақалпоғистонда **1** нафарни ташкил этган.

Оқланган шахсларнинг **72 фоизи** (42 таси) бўйича терговчилар томонидан дастлабки тергов ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказмасдан, етарли далилларни тўплаш чорасини кўрмасдан шошма-шошарлик билан қарор қабул қилинган.

Мисол учун, Чилонзор туманида, 2021 йилнинг апрель ойида фуқаро Р.Ё. Яккабоғ туманидан 8 сотих ер майдони олиб беришини ваъда қилиб, Ш.Б.дан 8 минг АҚШ долларини олиб ўзлаштирганлиги ҳолати юзасидан **12.03.2022 йилда** ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича етарли далиллар тўплаш чорасини кўрмасдан шошма-шошарлик билан жиноят иши қўзғатилганидан **1 кун ўтиб** Р.Ё.га нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан айблов эълон қилинган, жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилганлиги оқибатида ЖИБ Чилонзор туман суди томонидан **30.06.2022 йилда** ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан Р.Ё оқланган.

Бундан ташқари, 2022 йилнинг 6 ойида прокуратура органлари томонидан **50** та жиноят ишлари қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган.

Ёки, Тергов ҳаракатлари тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама олиб борилмаганлиги натижасида, судлар томонидан қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан ажримлар чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойида ЖПКнинг 416-417-моддаларига асосан **142** та ажрим чиқарилган.

иккинчидан, ички ишлар органларида терговчи ва суриштирувчи лавозимларининг бир-бирини такрорлаётганлиги ҳамда бир вақтнинг ўзида бир-биридан ажралиб қолаётганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

### Оқлов сабаблари



Суриштирувни олиб боришда дастлабки тергов органига тегишли бўлган ва тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлган янги жиноят аниқланса, прокурорнинг розилиги билан жиноят иши тегишлилигига кўра дастлабки тергов органига ўтказилиши белгиланган.

Бироқ, ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида жиноят иши прокурорни қарорига асосан суриштирувчидан терговчининг юритувига ўтказилса-да, тергов бўлинмаси раҳбарининг **"тергов гуруҳи"**ни тузиш тўғрисидаги қарорига асосан, айнан суриштирувчининг ўзи томонидан тергов давом эттирилиб, иш бошқа терговчининг номидан тамомланмоқда.

Ушбу ҳолат терговчи ва суриштирувчилар ўртасида жиноят ишларини тақсимлашда қийинчилик туғдириши билан бир қаторда, дастлабки тергов **сифатининг пасайиб** кетишига, суриштирувчи томонидан амалда тамомланган ишларнинг **"Жиноий-ҳуқуқий статистика"** ягона ахборот тизимига **бошқа ходим номидан киритилишига**, суриштирувчининг иш кўрсаткичлари **ҳаққоний ва адолатли акс эттирилмаслигига** сабаб бўлмоқда.

Жиноят ишларини **фақатгина терговга тегишлилиги боис** бир ходимдан иккинчи ходимга ўтказилиши процесс иштирокчиларининг ортиқча оворагарчилигига ва сарсон бўлишларига олиб келиб, фуқароларнинг эътирозларини келтириб чиқармоқда.

Жиноят иши суриштирувдан дастлабки тергов шаклига ўтказилганида терговчи томонидан иш билан танишиш, тергов ҳаракатларини режалаштириш ва процесс иштирокчилари билан қайта боғланиш муайян вақтни талаб этади.

Айрим ҳудудий тергов бўлинмаларида **бир нафардан** терговчи ва суриштирувчи штат бирликлари ажратилган бўлиб, ушбу бўлинмаларда терговчи узрли сабабларга кўра (*меҳнат таътили, хизмат сафари, касаллик ва бошқ.*) хизматда бўлмаган вақтда, ҳудудда содир этилган дастлабки терговга тааллуқли **унча оғир бўлмаган, оғир** ёки **ўта оғир** жиноятлар бўйича суриштирувчи томонидан тезкорлик билан мустақил қарор қабул қилиш, жиноят ишини қўзғатиш ёки кечиктириб бўлмас процессуал *ҳаракатларни* ўтказиш имкони мавжуд эмас.

Жумладан, республика бўйича жами **40 дан ортиқ** туман-шаҳар тергов бўлинмаларида **1 нафар** терговчи ва суриштирувчилар хизмат қилиб келмоқда.

Мисол учун, мазкур бўлинмаларда терговчи хизматда бўлмаган вақтда ҳудудда **босқинчилик, оғир тан жароҳати** етказиш ёки бир гуруҳ шахслар томонидан **ўғрилиқ** жиноятлари содир этилса, улар бўйича **суриштирувчининг** жиноят ишини қўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш **ваколати мавжуд эмас.**

*учинчидан, ИИО тергов бўлинмалари ходимлари фаолиятини амалга оширишда айрим бюрократик тўсиқлар ва бошқа ноқулайликларнинг мавжудлиги ҳам тергов сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.*



Жорий йилнинг 6 оyi давомида *суриштирувчи ва терговчилар томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жами 58 нафар шахслар судлар томонидан оқланган.*

Тошкент шаҳрида **28** нафар, Тошкент вилоятида **7** нафар, Сурхондарёда **6** нафар, Қашқадарёда **3** нафар, Фарғона, Сирдарё, Навоий, Андижон ва Хоразмда **2** нафардан, Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва Қорақалпоғистонда **1** нафарни ташкил этган.





*Ваҳоланки, бугунги тезлик билан ривожланиб бораётган давлатимиздаги барча соҳаларга рақамли технологиялар кириб борган, ҳужжатлар асосан электрон шаклда алмашинмоқда. Баъзи тергов ҳаракатлари терговчилар томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш вақтида айбланувчи томонидан кўрсатиб ўтилиб, ушбу кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини (кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, ашёвий далилларни йўқ қилинишидан олдин айбланувчи иштирокида олиб қўйиш, эксперимент ва ҳ.к.) ўтказиш зарурати юзага келади.*

*Бундан ташқари, тергов бўлинмалари томонидан қидирув эълон қилинганидан сўнг қидирув бўлинмаларига тақдим этилиши шарт бўлган ҳужжатлар ортиқча бюрократик тўсиқларни ҳамда қоғозбозликни келтириб чиқариб, соҳавий хизматларга ўртасида ўзаро ҳамкорлик принципларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.*

*Юқоридагилардан келиб, чиқиб жиноятларни тергов қилиш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:*

*соҳани тўлиқ рақамлаштириш ва жиноят ишларини электрон шаклда юритишни жорий этиш;*

ҳужжатлар алмашинувини тўлиқ электрон шаклда амалга оширилишини таъминлаш орқали (қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказиш, этап қилиш, прокурор рухсати ва розилиги олинандиган ҳужжатлар алмашинуви) терговчиларнинг тежалган вақтини жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларни тўплашга сарф этиш;

жиноятларни суриштирув шаклида тергов қилиш институтини сақлаб қолган ҳолда ички ишлар органларининг суриштирувчи лавозимини терговчи лавозимига ўзгартириш;

қидирув йўналишидаги идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартишларни киритиб (тўпланиши талаб этилган иш учун муҳим аҳамият касб этмаган ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш), шахсга нисбатан қидирув эълон қилиш процессини соддалаштириш ва фаолият тезкорлигини ошириш лозим.

Бош мақсадимиз, “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз” деган концептуал ғоя асосида ходимларни тарбиялаш ҳамда ички ишлар органларини халққа ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган профессионал тузилмага айлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва **давлатнинг** хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилигига эришишдир [5].

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2898-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2022 й., 07/22/122/0109-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги 2021 йил 12 февралдаги Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишининг 8-сон баёни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги 2020 йил 30 июнда ўтказилган йиғилишининг 49-сон баёни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 07/22/105/0079-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон



# НЕОБХОДИМОСТЬ СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕМ ЭКСТРАДИЦИИ КАК ВАЖНОЙ ФУНКЦИИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

THE NEED FOR JUDICIAL CONTROL OVER THE IMPLEMENTATION OF EXTRADITION AS AN IMPORTANT FUNCTION OF THE JUDICIARY

Рахмонова Сурайё Махмудовна  
Заведующая кафедрой  
Уголовного права  
Высшей школы судей  
При Высшем судейском совете  
Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук,  
доцент



Rakhmonova Surayyo  
Mahmudovna  
Head of the Department of  
Criminal Law  
Supreme School of Judges  
at the Supreme Judicial Council  
Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law, Associate Professor

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье рассмотрены вопросы института экстрадиции как формы международного сотрудничества в уголовном судопроизводстве, изучены соответствующие международные документы, проанализированы ограничения и особые препятствия в выдаче, обоснована необходимость судебного контроля за осуществлением экстрадиции в уголовном процессе.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** экстрадиция, выдача, международный договор, юрисдикция для уголовного преследования, запрос о выдаче, основания для отказа в экстрадиции.

**ANNOTATION.** This article discusses the issues of the institution of extradition as a form of international cooperation in criminal proceedings, studied relevant international documents, analyzed restrictions and special obstacles in extradition, substantiated the need for judicial control over the implementation of extradition in criminal proceedings.

**KEYWORDS:** extradition, international treaty, jurisdiction for criminal prosecution, request for extradition, grounds for refusal of extradition.

Республика Узбекистан принимает активное участие в международном сотрудничестве по глобальным проблемам современности, в том числе связанным с противодействием преступности и защитой прав и свобод человека и гражданина. Решение этих проблем требует объединения и координации усилий мирового сообщества и предполагает интенсивное развитие международного сотрудничества.



Институт экстрадиции, являясь одним из направлений международного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью, обеспечивает достижение целей уголовного процесса, восстановление нарушенных правоотношений, поддержание нормативов равенства и справедливости в обществе, неотвратимость наказания, несмотря на территориальные разграничения юрисдикции разных стран. Экстрадиция - комплекс уголовно-процессуальных действий, направленных на розыск, задержание, заключение под стражу и передачу лица иностранному государству (или международному трибуналу, международному уголовному суду) на основании и в порядке, установленном международными договорами Республики Узбекистан и национальным законодательством, либо на основе принципа взаимности с целью осуществления уголовного преследования, отправления правосудия или приведения в исполнение вступившего в силу приговора суда.

Институт экстрадиции имеет межотраслевую правовую природу, поскольку его нормативно-правовое регулирование осуществляется на основе норм международного, уголовного и уголовно-процессуального законодательства, что предопределяет особенности его содержания и механизма реализации на практике. Правовая база экстрадиции состоит из нескольких групп правовых актов: международных договоров, Конституции, законов, ведомственных нормативных правовых актов. Экстрадиция также осуществляется на основе принципа взаимности. Многоуровневая система правовой базы экстрадиции построена исходя из подчинения национального законодательства междуна-

ному, двусторонних международных договоров — многосторонним.

Согласно Типовому договору о выдаче УНП ООН, экстрадиция является одним из видов международной правовой помощи по уголовным делам, которая представляет собой важное направление международного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью. Экстрадиция – это официальная процедура, при помощи которой одна страна (запрашивающее государство) просит (запрашиваемое государство) переместить то или иное лицо под ее юрисдикцию для уголовного преследования или исполнения приговора по уголовному делу[1].

В последние годы в Узбекистане наметилась устойчивая тенденция к увеличению запросов о выдаче лиц, совершивших преступления, что в свою очередь, вызвало необходимость совершенствования правового регулирования порядка и условий экстрадиции.

На национальном уровне вопросы экстрадиции также получают законодательное закрепление.

Впервые в Уголовно-процессуальный кодекс в 2010 г. включены нормы, регламентирующие порядок и условия экстрадиции (глава 65), которые в значительной степени оптимизировали правоприменительную практику в этой области. Однако анализ норм главы 65 УПК РУз показывает, что они не в полной мере соответствуют международным обязательствам Республики Узбекистан, что обуславливает необходимость обоснования и внесения изменений в уголовно-процессуальное законодательство. Недостаточная законодательная регламентация экстрадиции в национальном законодательстве снижает эффективность реализации данного института на практике.



Согласно Типовому договору о выдаче УНП ООН, экстрадиция является одним из видов международной правовой помощи по уголовным делам, которая представляет собой важное направление международного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью.

Узбекистаном ратифицирован ряд основных многосторонних международных правовых актов Совета Европы и СНГ по вопросам экстрадиции: Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993 г. с протоколом к ней от 28 марта 1997 г. (далее - Минская конвенция 1993 г.), Европейская конвенция о выдаче 1957 г. с дополнительным протоколом и вторым дополнительным протоколом к ней и др. Также Узбекистаном подписана Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам (Кишинёвская Конвенция). В развитие названных многосторонних актов Узбекистаном за этот период подписано и ратифицировано около 20 двусторонних договоров.

Основным региональным договором об экстрадиции в странах СНГ попрежнему, является Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993 г. с протоколом к ней от 28 марта 1997 г (Минская Конвенция). Она устанавливает обязательство государств по экстрадиции лиц, находящихся на их территории, для привлечения к уголовной ответственности, которые караются лишением свободы на срок не менее одного года (статья 56 Минской Конвенции). Конвенция уточняет содержание требования об экстрадиции и соответствующей процедуры, включая временную экстрадицию и транзитную перевозку по территории Договаривающейся Стороны лиц, выданных другой Договаривающейся Стороне. При этом Минская Конвенция не упоминает гарантии защиты прав человека в числе оснований для отказа в экстрадиции.

Так, она не предусматривает защиту non-refoulement от угрозы принудительного возвращения в страну, где лицо может подвергнуться пыткам или жесткому обращению, смертной казни или иным нарушениям прав человека, или какие либо иные общепризнанные основания для отказа в выдаче.

Конвенция СНГ о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным вопросам 2002 г. (Кишиневская конвенция) устанавливает более широкий перечень оснований для отказа в экстрадиции лица, к которым, помимо прочего, относится потенциальный ущерб суверенитету и безопасности запрашиваемого государства; веские основания полагать, что запрос о выдаче связан с преследованием лица по признаку расы, пола, вероисповедания, этнической принадлежности или политических убеждений; если лицу предоставлено убежище на территории запрашиваемого государства или имеются иные основания, предусмотренные в международном договоре, участниками которого являются запрашивающее и запрашиваемое государства (ст.89 Кишиневской конвенции).

Вместе с тем, по общему принципу международного права в области экстрадиции, последняя не может быть использована для уголовного преследования за преступления незначительной тяжести. По Типовому договору и Типовому закону ООН о выдаче, порог минимального наказания за преступления, влекущие экстрадицию, варьируется от одного до двух лет лишения свободы или же составляет шесть месяцев для целей отбывания наказания, полностью или частично[2]. Аналогичный подход используется в Минской и Кишиневской Конвенциях. Данные критерии применимости нашли свое отражение в Уголовно-процессуальных кодексах Российской Федерации, Казахстана, Кыргызстана и Узбекистана, Таджикистана и Туркменистана не устанавливают такого рода порога; следовательно, в отношении данных государств действуют пороги, предусмотренные международными договорами, в которых они участвуют.



Основным региональным договором об экстрадиции в странах СНГ попрежнему, является Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам от 22 января 1993 г. с протоколом к ней от 28 марта 1997 г (Минская Конвенция).

В ЕС в 2008 году был переполох, связанный с делом *Salduz v. Turkey* [8]. По этому делу Европейский суд по правам человека (ЕСПЧ) принял решение, в котором излагалось нарушение правительством права на доступ к адвокату с момента первого допроса. По мнению Суда, «права защиты в принципе будут безвозвратно ущемлены, если для вынесения обвинительного приговора будут использованы обвинительные показания, сделанные во время допроса в полиции без доступа к адвокату». Суд прямо подчеркнул «фундаментальную важность предоставления доступа к адвокату, если лицо, находящееся под стражей, является несовершеннолетним».

На основании данного решения ЕСПЧ Верховный суд Нидерландов ясно дал понять, что эти соображения, касающиеся права на консультацию с адвокатом до допроса в полиции, распространяются на всех арестованных подозреваемых, как взрослых, так и несовершеннолетних. Тем не менее, что касается, в частности, несовершеннолетних, Верховный суд постановил, что они также имеют дополнительное право на помощь адвоката или другого «доверенного лица» во время допросов [9].

В 2011 году голландский законодатель представил первый проект законопроекта, направленный на имплементацию вышеупомянутой прецедентной практики ЕСПЧ. В законодательном предложении прямо делается выбор в пользу реализации права несовершеннолетнего на помощь адвоката, а не на другие формы помощи (например, помощь одного из родителей). Кроме того, в предложении отменяется различие между 12-15-летними и 16- и 17-летними лицами. Согласно предложению, каждый несовершеннолетний в возрасте от 12 до 17 лет, подозреваемый в совершении преступления, имеет право на консультацию с адвокатом до первого допроса в полиции без возможности отказа даже при мелких правонарушениях. Кроме того, несовершеннолетний может решить, пользоваться ли правом на адвоката во время допроса. Он может принять решение на основе консультации с адвокатом до допроса [10].

Когда речь идет о возможности отказа несовершеннолетнего от права на защиту, Суд подчеркивает особую уязвимость несовершеннолетнего обвиняемого и дисбаланс полномочий, присущий самой природе уголовного судопроизводства [11]. Это приводит Суд к выводу, что отказ от права несовершеннолетнего на помощь адвоката во время допроса должно быть предметом дополнительного контроля со стороны властей. Отказ может быть принят только в том случае, «если он выражен недвусмысленно, после того как власти предприняли все разумные шаги для обеспечения того, чтобы несовершеннолетний полностью осознал свои права на защиту и мог оценить, насколько это возможно, последствия его поведения» [12].

С 1985 года ООН разработала несколько стандартов для улучшения и защиты правового положения детей в системе ювенальной юстиции, в том числе Минимальные стандартные правила отправления правосудия в отношении несовершеннолетних 1985 года («Пекинские правила»), Правила защиты несовершеннолетних, лишенных свободы («Гаванские правила»), Руководящие принципы по предотвращению правонарушений среди несовершеннолетних 1990 г. («Эр-Риядские руководящие принципы») и, что наиболее важно, Конвенция ООН о правах ребенка 1989 г. (КПР). В 2007 г. Комитет ООН по правам ребенка опубликовал Замечание общего порядка о значении и последствиях соответствующих положений КПР (прежде всего статей 40 и 37) для системы ювенальной юстиции на национальном уровне [13].

Эти стандарты ООН в области прав детей касаются права несовершеннолетнего на помощь адвоката на стадии допроса. Статья 40(2)(b)(ii) КПР требует, чтобы каждый ребенок имел право «быть незамедлительно и непосредственно информированным о предъявленных ему обвинениях и, при необходимости, через своих родителей или законных опекунов, и иметь юридическую

или иную соответствующую помощь в подготовке и представлении своей защиты». Кроме того, статья 40(2)(b)(iii) КПР требует, чтобы дети, обвиняемые в совершении уголовного преступления, имели право на справедливое судебное разбирательство перед компетентным, независимым и беспристрастным органом или судебным органом в присутствии законного представителя или другое соответствующее представительство, а также его родители или законные опекуны. Юридическая или иная соответствующая помощь считается основным элементом права ребенка на справедливое судебное разбирательство.

В законопроекте Нидерландов от 2014 года об имплементации Директивы ЕС (2013/48/EU) предлагается, чтобы каждый несовершеннолетний в возрасте от 12 до 17 лет, подозреваемый в совершении преступления, имел право на консультацию с адвокатом до первого допроса в полиции, без возможности отказа. Такой подход противоречит прецедентному праву ЕСПЧ, в котором прямо признается возможность отказа несовершеннолетнего от права на помощь адвоката; эта позиция также поддерживается различными судами Нидерландов и не оспаривалась Комитетом ООН по правам ребенка. Тем не менее, психологические исследования развития показывают, что подростки в возрасте 15 лет и младше, а также 16- и 17-летние подростки с низким IQ часто испытывают трудности с пониманием своих прав на справедливое судебное разбирательство в контексте допросов.



**«Дознаватель или следователь принимает меры к обеспечению участия защитника в деле с момента первого допроса несовершеннолетнего в качестве подозреваемого или обвиняемого, в том числе и в тех случаях, когда несовершеннолетний отказывается от участия защитника».**



**Х**отя считается, что большинство 16- и 17-летних когнитивно способны понимать свои права, им также не хватает «зрелой компетентности в принятии решений».


Таким образом, предоставление несовершеннолетним, в том числе 16- и 17-летним, возможности отказаться от своего права на помощь адвоката представляется нецелесообразным. Это особенно верно, поскольку исследования в области психологии развития указывают на то, что несовершеннолетние нуждаются в особой защите, помощи и руководстве на этапе допроса, чтобы предотвратить их от принуждения или непреднамеренного самообвинения, а также дать им возможность эффективно участвовать и в соответствии со своими возможностями. Таким образом, предварительная консультация с адвокатом и (юридическая) помощь во время допроса представляются важнейшей предпосылкой для обеспечения права несовершеннолетнего на справедливое судебное разбирательство.

С этой точки зрения, подход голландского законодателя не предоставлять арестованным несовершеннолетним подозре-

ваемым право отказаться от своего права на консультацию с адвокатом до первого допроса представляется оправданным. Однако некоторые утверждают, что обязательная консультация с адвокатом может де-факто увеличить риск того, что несовершеннолетние подозреваемые будут без необходимости лишены свободы, поскольку присутствие адвоката в течение нескольких часов может оказаться затруднительным или даже невозможным. В частности, в случае мелких правонарушений последствия могут быть непропорциональными [14]. Мы считаем это практическим вопросом, который требует адекватного практического решения. Тем не менее, этот практический вопрос в конечном итоге затрагивает более фундаментальное противоречие между правом несовершеннолетнего на справедливое судебное разбирательство (статья 40(2) КПР), которое требует (обязательной) юридической консультации, и его правом на личную свободу.

Практическим решением для снятия этой напряженности в случаях, когда нет адвоката, доступного в кратчайшие сроки, может быть рассмотрение вопроса об отсрочке допроса на несколько часов (например, максимум на 12 часов), позволяя арестованному несовершеннолетнему ожидать его допроса дома. В частности, в случаях, когда отсутствует серьезный риск побега, не всегда возникает необходимость лишать несовершеннолетнего свободы в период между задержанием и первым допросом. В случаях совершения тяжких преступлений или, когда существует серьезный риск побега, органы правопорядка, вероятно, не сочтут уместным освобождение задержанного несовершеннолетнего до первого допроса. В этих случаях крайне важно, чтобы период между задержанием и первым допросом был как можно короче.





Вышеуказанные проблемы, с которыми столкнулось законодательство ЕС и предусмотренные в рекомендациях ООН требования по обеспечению надлежащей защиты несовершеннолетних в уголовном судопроизводстве находят свое отражение и в уголовно-процессуальном законодательстве Республики Узбекистан. То есть, как было отмечено в начале научной работы, каждый несовершеннолетний имеет право на защиту с момента первого допроса.

Однако, изучив вопрос осуществления данного права со стороны несовершеннолетнего мы пришли к выводу об отсутствии жизненного опыта у них по применению права на защиту с момента первого допроса. И исходя из существующих международных правовых актов, опыта ЕС, законодательства и правоприменительной практики Нидерландов видится целесообразным внедрить в отечественное законодательство положение, по которому несовершеннолетний, находящийся в экстремальной ситуации (в том числе на этапе допроса) должен быть обеспечен защитником.

Статья 550 УПК РУз регламентирует право несовершеннолетнего на защитника и обязанность дознавателя, следователя или суда обеспечить участие защитника. Но при этом нет упоминаний о праве на отказ несовершеннолетнего от защитника, что приводит к неоднозначному толкованию положений статьи 550.

На основании вышеизложенного, предлагается первое предложение статьи 550 УПК РУз изложить в следующей редакции:

«Дознаватель или следователь принимает меры к обеспечению участия защитника в деле с момента первого допроса несовершеннолетнего в качестве подозреваемого или обвиняемого, в том числе и в тех случаях, когда несовершеннолетний отказывается от участия защитника».

// ИҚТИБОСЛАП

// СНОСКИ

// REFERENCES:

1. «Aanwijzing Rechtsbijstand Politieverhoor», Dutch Bulletin of Acts and Decrees, at 4003 (2010).
2. Directive 2013/48/EU of the European Parliament and of the Council of 22 October 2013, OJ 2013 L 294. See in particular Art. 13.
3. Legal Opinion of A-G Spunken, 26 November 2013, ECLI:NL:PHR:2013:1424.
4. J. Uit Beijerse, *Jeugdstrafrecht. Beginselen, wetgeving en praktijk* (2013), at 13-35.
5. G. de Jonge and A.P. van der Linden, *Handboek Jeugd & Strafrecht* (2013), at 77 ff. and 181 ff.
6. Weijers, 'Grondslagen van jeugdstrafrecht', in I. Weijers and F. Imkamp (eds.), *Jeugdstrafrecht. In internationaal perspectief* (2011) 31.
7. M.R. Bruning et al., *Wegwijs in het jeugdsanctierecht* (2010).
8. *Salduz v. Turkey*, ECHR (2008) No. 36391/02, para. 55.
9. Dutch Supreme Court, 30 June 2009, ECLI:NL:HR:2009:BH3081, para. 2.6.
10. Explanatory Memorandum, Arts. 489 (new) and 490 (new) of the CCP.
11. *Panovits v. Cyprus*, ECHR (2008) No. 4268/04, para. 67.
12. P. van Kampen and J. Leliveld, 'Rechtsbijstand in de voorfase van het strafproces', 2191 NJB 2604 (2013).
13. General Comment No. 10, Children's rights in juvenile justice, UN Doc. CRC/C/GC/10.
14. W.J. Verhoeven and L. Stevens, *Rechtsbijstand bij politieverhoor. Evaluatie van de Aanwijzing rechtsbijstand politieverhoor in Amsterdam-Amstelland, Groningen, Haaglanden, Limburg-Zuid, Midden- en West-Brabant en Utrecht* (2013), at 314.

# ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ (DIGITALIZATION) МОДЕЛЛАРИ

## MODELS OF DIGITALIZATION OF THE CRIMINAL PROCESS



**Кадирова Мохигул Хамитовна**  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси  
доценти, юридик фанлар номзоди  
E-mail: m.kadirova@tsul.uz

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада жиноят процессини рақамлаштириш моделлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этилиб, таснифланган. Жиноят процессини соддалаштириш ва тезкорликни таъминлаш мақсадида судгача ва суд босқичини рақамлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантирилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** рақамли технологиялар, рақамли ҳуқуқ, сунъий интеллект, рақамлаштириш (digitalization) моделлари, электрон (рақамли) жиноят иши.

**Kadirova Moxigul Khamitovna**  
Associate Professor, PhD, Department  
of Criminal procedural law of TSUL  
E-mail: m.kadirova@tsul.uz

**ANNOTATION.** The article analyzes and classifies the models of digitalization of the criminal process. In order to simplify and speed up the criminal process, proposals and recommendations for the digitalization of pre-trial and judicial proceedings are scientifically substantiated.

**KEYWORDS:** digital technologies, digital law, artificial intelligence, digitalization models, electronic (digital) criminal case.

**XXI** аср дунё ҳамжамияти учун давлат қурилиши ва ҳуқуқий тизимларини такомиллаштиришнинг янги қонун ва қоидаларини ўрнатиб, юз йилликнинг бошиданоқ давлат ва жамият тараққиётининг барча соҳалари тезкорликни талаб этмоқда. Дунё мамлакатлари аҳоли ҳаётининг сифатини ошириш мақсадида жадаллик билан рақамли инфратузилмаларни жорий этиб, фуқароларга давлат хизматларидан фойдаланиш қулайликларини яратмоқда. Зеро, рақамлаштириш давлат ва жамиятнинг иқтисод ва ҳуқуқ соҳаларида нечоғлик долзарб аҳамият касб этишини 2020 йилдаги COVID-19 пандемияси мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирда аксарият давлатлар учун онлайн одил судлов муҳим масалага айланиб, жиноят процессини рақамлаштириш чегараларини белгилаш муаммолари юзага келди. Даставвал Хитой халқ Республикаси 2017 йилнинг ўзида видеоконференц алоқа орқали суд муҳокамалари ўтказилишини йўлга қўйиб, 12 мингга яқин судларни марказлашган электрон платформага бирлаштиришга эришди. Пандемия муносабати билан 2020 йилнинг февраль-март ойларининг ўзида 110 мингта онлайн процесслар ўтказилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин[1].



Буюк Британия суд процессида иштирок этиш учун Scure ва CloudVideoPlatform орқали онлайн хизматлар кўрсатилиб, хусусан «Remotely justice» номли масофавий адолат режимида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, унинг муддатини узайтириш ёки гаров билан боғлиқ барча шошилиш масалалар кўриб ҳал этилмоқда. Хусусан, барча гувоҳларнинг кўрсатувларини видео ёзувга олиш ва онлайн узатишни процессуал қонунда мустақамлаш устида изланишлар йўлга қўйилган[2].

Қозоғистон Республикасида эса, Олий суд тавсиясига кўра, судлар тўлиқ масофавий иш режимига ўтказилиб, ҳозирда 90%дан ортиқ жиноят ишлари ИТ-технологиялари асосида олиб борилмоқда. Чунончи, Россия Федерациясида 2020 йилнинг март-апрель ойларида объектив қийинчиликларга қарамай, 2 миллионга яқин жиноят ишлари шу тартибда кўрилди.

Аксарият процессуалчи олимлар замонавий рақамли технологиялар жиноятларни тезкор аниқлаш ва олдини олишга хизмат қилишини, қолаверса онлайн-хизматларни жорий этиш зарурлигини таъкидлашади[3].

Жумладан, Ю.В.Гаврилин ва А.В.Победкинлар ҳам, жиноят процесси нечоғлик мукамал бўлмасин, уни замонавий рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди[4], дейди.

В.Д.Зорькин эса, рақамли технологиялар асосида “Рақамли ҳуқуқ” шаклланиб, у мустақил ҳуқуқ тармоғи эканлигини илмий асослайди[5].

Шундай экан, жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятларини ҳам рақамлаштириш, шу асосда рақамли процессуал муддатларни ўрнатиш лозим[6].

Л.Н.Масленникова таъбири билан айтганда, рақамли технологиялар қоғозбозликдан, жиноят ишини қўзғатишни асоссиз равишда рад этишдан, жиноят ишини асоссиз тўхташ ва тугатишдан муҳофаза этади.

Рақамлаштириш борасидаги хорижий тажриба ва олимларнинг илмий қарашларидан келиб чиқиб, жиноят процессини рақамлаштириш моделларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) Идоравий рақамлаштириш, яъни рақамлаштиришни алоҳида идоралардан бошлаш (ИИВ, ДХХ, Тергов Департаменти, прокуратура, суд ва б). Бунда ҳар бир давлат идораси мурожаатлар бўйича ишлаш, хусусан, жиноят тўғрисида ариза, хабар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, текшириш ва ҳал этиш бўйича ўзининг мустақил рақамли дастурларини ишлаб чиқиши мумкин;

2) жиноят таркибли рақамлаштириш, яъни жиноятларнинг айрим турлари бўйича суд-тергов фаолиятининг тўлиқ рақамлаштирилиши бўлиб, буни жиноят процессини тўлиқ рақамлаштиришнинг дебочаси деб номлаш мумкин. Бундай амалиёт Буюк Британия тажрибасида ижтимоий хавфи



Ягона рақамли платформа яратилиб, у тулиқ ва тизимли рақамлаштирилган "Рақамли одил судлов"га ўтишни таъминлаб беради.

катта бўлмаган жиноятлар бўйича қўлланилиб келинмоқда. Рақамлаштиришнинг мазкур модели рақамли дастурларнинг самарали ишлаши (тизимга ноқонуний кириш ёки ҳужжатларни сохталаштиришдан ҳимояланганлиги ва ҳужжатларни сақлаш қобилияти) ни текшириш, рақамли ҳужжатлар алмашинуви ва рақамли муддатларга амал қилиш борасида камчиликларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида бартараф этиш, процесс иштирокчиларининг рақамли мулоқотларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини беради;

3) қисман (фрагментар) рақамлаштириш, яъни жиноят процессининг айрим вазифаларини бажаришда замонавий рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, процесс иштирокчиларини рақамли телефон алоқалари, СМС, электрон почта орқали хабардор этиш ёхуд Интернет, Скайп, WhatsAppдан фойдаланиб, видео конференц алоқа ёрдамида тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш мумкин. Жиноят процессини рақамлаштириш ҳам технологик (хавфсизлик), ҳам ҳуқуқий (электрон далил) асосни талаб этадиган мураккаб процессуал жараён бўлганлиги боис, дунёнинг аксарият мамлакатлари жиноят процессини рақамлаштиришни даставвал мазкур моделидан бошлашган. Кейинчалик рақамлаштиришнинг қўшимча имкониятлари – судларда муҳокамаларни аудиопротоколлаштириш, жиноят ишларини электрон кўринишда сақлашдан ҳам фойдаланиб келинмоқда;

4) функционал рақамлаштириш, яъни суд-тергов фаолиятига "Электрон (рақамли) жиноят иши"ни жорий этиш орқали жиноят процессини тўлиқ ва тизимли рақамлаштиришдан иборат. Процессуал тарқоқлик, процессуал такрорлашлар (дублирование) ни бартараф этиш ҳамда асосийси вақт ва маблағларни тежаш мақсадида рақамлаштиришнинг ушбу моделидан фойдаланилади. Бунда ягона рақамли платформа яратилиб, у тўлиқ ва тизимли рақамлаштирилган "Рақамли одил судлов"га ўтишни таъминлаб беради. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, у идоралараро барча тизимларни бирлаштириб, жиноят процессининг алоҳида босқич ва вазифаларини эмас, балки жиноят процессини тўлиқ рақамлаштиришни назарда[7] тутлади.

Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг кўп асрлик тарихига назар солсак, ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслиги, бунинг учун жиноий жавобгарликни белгилаш ёки ундан озод этиш, жиноят ишини қай тартибда кўриб ҳал этиш ва ижро қоидалари давлат томонидан қонунларда белгиланган. Шундай экан, давлат ушбу вазифаларни муайян субъектларга ёки рақамли технологиялар – "Сунъий интеллект"га юклаши мумкин.

Шу ўринда, Европа комиссиясининг Одил судлов самарадорлиги бўйича 2018 йил 3–4 декабрдаги Хартиясида ҳам Сунъий интеллект ўз аксини топганлиги ҳамда Оксфорд университети профессори Ричард Саскиннинг докторлик диссертациясида суд-ҳуқуқ тизимини сунъий интеллект орқали тўлиқ рақамлаштиришни илмий асосланганлигини келтириш мумкин[8].

Ҳар бир рақамли тизим ўзининг ташқи вазифаси билан бирга ички вазифасига ҳам эга бўлади. Ушбу мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш орқали тизимни яратишдан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун жиноят процессининг айблов,



**Европа комиссиясининг Одил судлов самарадорлиги бўйича 2018 йил 3–4 декабрдаги Хартиясида ҳам Сунъий интеллект ўз аксини топганлиги ҳамда Оксфорд университети профессори Ричард Саскиннинг докторлик диссертациясида суд-ҳуқуқ тизимини сунъий интеллект орқали тўлиқ рақамлаштиришни илмий асосланганлигини келтириш мумкин/**

ҳимоя ва жиноят ишени адолатли ҳал этиш функциялари[9] ни рақамли тизимга муваффақиятли жорий этиш талаб этилади. Мазкур функциялардан келиб чиқадиган ташқи (ҳуқуқий ҳимоя – жабрланувчиларни жиноятдан; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларни ноқонуний ва асоссиз айбланиши, судланиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишидан ҳимоялаш) ва ички (ижтимоий хавfli қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаш) вазифалари[10] ни ҳам сўзсиз таъминлаш лозим. Бунинг учун рақамли алгоритмик тизимга турли таркибли жиноятларнинг белгилари тўғрисида имкон қадар барча маълумотлар базасини киритиш ҳамда тизимдан фойдаланувчилар дискриминациясининг олдини олиш мақсадида аризагини идентификациялаш, яъни уни жабрланувчи, гувоҳ ёки масъул мансабдор шахс эканлигини аниқлаштирувчи махсус дастурлар яратиш зарур[11].

Судгача ва суд босқичини рақамлаштириш борасида миллий тажрибамизга назар солсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига замонавий ахбороткоммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори ва судлар фаолиятига судларда иш юритиш самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этилишини таъминлаш мақсадида Е-XSUD судлов ахборот тизими ишлаб чиқилганлиги ва бунинг пировардида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш, судьялар ўртасида жиноят ишларининг автоматик тарзда тақсимлаш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш жорий этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони ҳамда “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарорлари билан, тергов фаолиятини янада рақамлаштириш ва ишни судга қадар юритиш жараёнида ягона электрон ҳужжат алмашинуви тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ишни судга қадар юритиш масалалари бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимини жорий этиш белгиланди:

- ишни судга қадар юритиш босқичида жиноятларга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва жиноят иши бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун давлат органлари ҳамда ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашиш;

- суриштирувчи ва терговчиларнинг қарорлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда бошқа хабарномаларини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларга электрон ҳужжат кўринишида юбориш, шунингдек, уларга жавобларни мазкур тарзда қабул қилиш;

- жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш чораларини кўриш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчининг мол-мулкани хатлаш, шунингдек, қидирув эълон қилинган айбланувчиларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган чеклов чораларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўз вақтида амалга ошириш.

Бу “Идоравий рақамлаштириш” моделининг илк кўриниши бўлиб, мамлакатимизда жиноят процессини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётганлигидан дарак беради. Даставвал электрон ҳужжатлар алмашинувининг йўлга қўйилаётганлиги келгусида суд-тергов фаолиятини тўлиқ функционал рақамлаштиришга имкон беради. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича “Жиноят таркибли рақамлаштириш” моделини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, рақамлаштиришнинг мазкур модели келгусида бу тоифа ишлар бўйича “Электрон (рақамли) жиноят иши”ни юритиш, амалиётда дастурларнинг самарали ишлашини текшириш, камчиликларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, идоравий ҳужжат алмашинуви





билан бирга процесс иштирокчиларининг рақамли мулоқотларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкониятини бериш баробарида жиноят процессини соддалаштириш ва тезкорликни таъминлайди[12]. Кейинчалик жиноятларнинг оғир ва ўта оғир турлари бўйича суд-тергов фаолиятида ҳам электрон (рақамли) жиноят ишидан кенг фойдаланиш заминини яратади.

Жиноят процессининг дастлабки босқичини жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, уларсиз рақамли тизимга киришнинг ҳам имкони бўлмайди. Шу боис, мурожаатлар билан ишлашни, аниқроғи терговга қадар текширувни рақамлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, жиноят тўғрисида ариза, хабар ва маълумотларни рақамли қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, текшириш ва ҳал этиш мақсадида Республика идоралараро марказлашган "Жиноят тўғрисида хабар" ягона рақамли портални яратишни тақозо этади. Бу келгусида барча жиноятлар тўғрисидаги барча маълумотларнинг ўз вақтида рўйхатга олинишига ва ҳар қандай қоидабузарликларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Ушбу тажриба Украинада 2014 йилда амалиётга тўлиқ жорий этилган бўлиб[13], Германияда ҳам ўзининг самарали натижасини бермоқда[14]. Жумладан, "Жиноят тўғрисида хабар" ягона рақамли портал жиноят тўғрисида мурожаатларни ҳар бир давлат идорасида алоҳида эмас, бутун республикада ягона рўйхатга олиш ва статистикасини юритиш қулайликларига эга бўлиб, у рўйхатга олинган жиноят тўғрисидаги хабарларни автоматик тарзда рақамли текширувга қаратилишини ва қўзғатилган жиноят ишини «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимига автоматик тарзда юклашни таъминлайди.

Рақамли текширув асосан, фактик асослар, ҳуқуқий асослар ва қарор қабул қилишдан, жиноят шохидлари, сканерланган ҳужжатлар, видео ёзувлар, ҳодиса изларининг фотосуратлари, нарса ва буюмлар мавжудлиги ва уларнинг қарор қабул қилишга етарлигини таҳлил қилишдан иборат бўлади. Жиноят ишини рақамли қўзғатишнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аризачини идентификациялаш, унинг ташқи кўриниши, овози, кўзининг қорачиғи, бармоқ излари



**"Жиноят тўғрисида хабар" ягона рақамли портал жиноят тўғрисида мурожаатларни ҳар бир давлат идорасида алоҳида эмас, бутун республикада ягона рўйхатга олиш ва статистикасини юритиш қулайликларига эга бўлиб, у рўйхатга олинган жиноят тўғрисидаги хабарларни автоматик тарзда рақамли текширувга қаратилишини ва қўзғатилган жиноят ишини «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизимига автоматик тарзда юклашни таъминлайди.**

ва бошқа индивидуал хусусиятлари, шу жумладан, электрон рақамли имзо асосида аниқлаш дастурларини яратиш ва ҳатто рақамли аризада ким, нима, қачон, қаерда, қай ҳолатда каби саволларга жавоб акс эттирилмаганда, автоматик блоклаш мумкин[15].

Мухтасар айтганда, келгусида терговга қадар текширув босқичини рақамлаштириш мақсадида марказлашган идоралараро “Жиноят тўғрисида хабар” ягона рақамли портални жорий этиш ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича “Жиноят таркибли рақамлаштириш” моделининг ҳуқуқий асосларини янги таҳрирдаги ЖПКда мустаҳкамлаш ҳамда амалиётга жорий этиш – судгача ва суд босқичини босқичма-босқич функционал рақамлаштиришга, бунинг пировардида одил судловнинг тезкор механизмини шакллантиришга, мамлакат миқёсида судир этилган жиноятларни вақт ва ҳудуд бўйича, тури ва терговга тегишлилиги ҳамда қабул қилинган қарорлар сифати ва муддати бўйича автоматик таҳлил қилиш, шаффоф рақамли назоратни ўрнатиш имкониятини яратишга ҳизмат қилади.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. The Star. URL: <https://www.thestar.com.my/news/regional/2020/03/30/china-stepsup-online-litigation-services-amid-coronavirus-epidemic>.
2. Official site GOV.UK.URL: <https://www.gov.uk/guidance/hmcts-daily-operational-summary-on-courts-and-tribunals-during-coronavirus-covid-19-outbreak>.
3. Суходолов А.П., Бычкова А.М. Искусственный интеллект в противодействии преступности, ее прогнозирования, предупреждении и эволюции // Всероссийский криминологический журнал. 2018. -Т. 12, -№ 6. -С. 753–766.
4. Гаврилин Ю.В., Победкин А.В. Модернизация уголовно-процессуальной формы в условиях информационного общества // Труды Академии управления МВД России. 2019. № 3 (51). –С. 27-38.
5. Зорькин В.Д. Право в цифровом мире. –М. 2018. –С. 30.
6. Поляков М.П., Смолин А.Ю. Цифровые технологии на службе правосудия: идеологические предпосылки и технические перспективы // Юридическая наука и практика: Вестник Нижегородской академии МВД России. 2018. № 2 (42).
7. Зуев С.В. Электронное уголовное дело: за и против // Правопорядок: история, теория, практика. 2018. -№ 4. -С. 6–12.
8. Susskind R. Online courts and the future of justice // Oxford University Press. 2019. 368-p.
9. Бозров В. М. Основы теории уголовно-процессуальных функций. Общая часть. Екатеринбург, 2012. –С. 23-35.
10. Володина Л. М. Актуальные проблемы уголовного судопроизводства. -М.: Юрлитинформ. 2020. -С. 38-50.
11. Kadirova M. Evaluation of the results of judicial computer and technical expertises by the investigators and the court. International journal of psychosocial rehabilitation. ISSN:1475-7192. -P. 4602-4610.
12. Kadirova M. Forms of production research of hardware and software of a computer system. International journal of advanced research. DOI:10.21474/IJAR01/10467. DOI URL: <http://dx.doi.org/10.21474/IJAR01/10467>.
13. Филлин Д.В. Начало досудебного производства в уголовном процессе Украины // URL: <http://www.iaaj.net/node/1462>. Корж В.П. Процессуальное обеспечение прав, свобод и законных интересов личности в уголовном судопроизводстве Украины // материалы Международной научно-практической конференции. -М. : ИПК СК России, 2013. Ч. 1. -С. 218-220; Цветков Ю.А. Возбуждение уголовного дела в механизме отказоустойчивости УПК РФ // Законность. 2017. -№ 6. -С. 48-52.
14. Масленникова Л.Н., Сушина Т.Е. Опыт цифровизации уголовного судопроизводства Федеративной Республики Германия и возможности его использования при цифровизации уголовного судопроизводства России // Актуальные проблемы российского права. 2020. -№ 6. -С. 214-224 ; Вилкова Т. Ю. Досудебное производство в условиях развития цифровых технологий в России и за рубежом: сравнительный анализ // Актуальные проблемы российского права. 2020. -№ 6. -С. 236.
15. Клеандров М.И. Размышления на тему: может ли судьей быть робот? // Российское правосудие. 2018. -№ 6. -С. 15–25.





# ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ



## WAYS TO PROVIDE RIGHTS AND FREEDOMS OF THE INDIVIDUAL INVESTIGATION BEFORE THE INVESTIGATION

**Ботаев Мурод Джуманшикович,**  
ИИВ Академияси Халқаро ҳамкорлик ва чет эл тажрибасини ўрганиш бўлими бошлиғи,  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Botaev Murod Djumanshikovich,**  
Head of the Department of International  
Cooperation and Study of Foreign Experience of  
the Academy of the Ministry of Internal Affairs,  
Doctor of Philosophy in Law (PhD)

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада жиноят-процессуал назарияда мавжуд қарашлар, шунингдек амалдаги қонун нормаларининг таҳлили асосида терговга қадар текширув жараёнида шахс ҳуқуқ эркинликларини таъминлаш борасидаги мавжуд камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, терговга қадар текширув жараёнида процессуал мақоми бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш зарурати асослантилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** жиноят-процессуал қонунчилик, терговга қадар текширув, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳуқуқий мақом, етказилган зарар, ҳуқуқ ва бошқ.

**ANNOTATION.** The article identifies the existing shortcomings in the theory of criminal procedure, as well as the existing shortcomings in ensuring the rights and freedoms of the individual during the pre-investigation investigation, based on the analysis of existing legal norms, and develops proposals and recommendations to address them. At the same time, the need to determine the rights and obligations of persons who do not have procedural status in the pre-investigation investigation is justified.

**KEYWORDS:** criminal procedure law, pre-investigation investigation, suspect, victim, legal status, damages, rights, etc.



# Б

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув таъминли қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда[1].

Шу маънода, терговга қадар текширув жараёнида шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Жиноят процессида шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиш ҳолати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу ҳуқуқлар ишни судга қадар юритиш жараёнида қай даражада таъминланаётганига боғлиқ. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, суд-тергов амалиётининг таҳлили бугунги кунда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини етарли даражада таъминламаслик ёки айрим ҳолатларда ҳатто уларни чеклаш билан боғлиқ ҳолатлар

айнан ишни судга қадар юритиш даврида вужудга келаётганлигини кўрсатмоқда[2]. Шунинг учун ҳам, ишни судга қадар юритиш босқичининг таркибий қисми бўлган терговга қадар текширув жараёнини тартибга солишда асосий эътибор, энг аввало шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган аниқ процессуал кафолатлар тизимини яратишга қаратилмоғи лозим.

Фикримизча, терговга қадар текширув давомида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилмаслигини таъминлаш билан бирга, уларга ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Шу ўринда, жиноят-процессуал муносабатларда шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи норма сифатида ЖПКнинг 64-моддасини келтириш лозим бўлади. Чунки, ушбу нормада суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт, эканлиги қайд этилган.

Эътиборли томони шундаки, мазкур қонун нормасида терговга қадар текширув босқичида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ мажбуриятлари ёки бевосита ушбу жараённи амалга оширувчи терговга қадар текширув органи маъсубдор шахси ҳақида мутлақо тўхталиб ўтилмаган. Бу



эса, ўз навбатида ушбу жараён билан боғлиқ муаммо ва камчиликларга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади.

Шунингдек, терговга қадар текширув жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ка-фолатланганлигини биз ЖПКнинг 333-моддасида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу моддада қайд этилганидек, ЖПКнинг 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 — 8-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки про-курор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Шунингдек, ушбу ҳолатда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиб ўтилиши лозим.

Амалдаги ЖПКнинг 84-моддасида назарда тутилган асосларни қўллашдан процесс иштирокчи-ларига тегишли асоснинг моҳияти ва уни қўллаш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар-ни тушунтириш талаби белгиланмаган. Ваҳоланки, аксарият шахслар ЖПКнинг 84-моддасида ўз ифодасини топган асосларнинг ушбу Кодекснинг 83-моддасида белгиланган реабилитация (оқлаш) учун асослар билан фарқини чуқур англаб етмайдилар. Бу эса, ўзини айбсиз ҳисоблаган айрим шахсларга нисбатан ҳам жиноят ишини 84-моддада назарда тутилган асослар билан рад этилишига ва мазкур жиноятни содир этган ҳақиқий айбдор шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилганлардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 84-моддада назарда тутилган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал жиноят процесси иштирокчиларига жавобгарликдан озод бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ва уларнинг қўлланилиши натижасида қандай ҳуқуқий оқибатлар вужудга келиши мумкинлиги бўйича тушунтиришлар бериш ва ушбу тушунтиришларни баённомада расмийлаштиришни ишни юритаётган мансабдор шахсга алоҳида мажбурият сифатида белгилашни ЖПКда қайд этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Эътибор қаратишимиз лозим бўлган навбатдаги масала шуки, ЖПКда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида иштирок этувчи жиноят процесси иштирокчиларининг тушунчаси ва ҳуқуқий мақомлари аниқ белгилаб ўтилган. Лекин бундай фикрни биз ишни судга қадар юритиш босқичининг дастлабкиси бўлган терговга қадар текширув жараёни ҳақида билдириб ўта олмаймиз.

# T

Терговга қадар текширув жараёнида ушбу жараённи бевосита амалга ошириш учун масъул сифатида терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурор келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 34, 36, 38<sup>1</sup> ва 39<sup>1</sup>-моддаларида ифодаланган.

Шунингдек, терговга қадар текширув жараёни-да иштирок этувчи жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар гуруҳига мансуб бўлган жиноят процесси иштирокчиларининг, яъни гувоҳ (65-66 модда), гувоҳнинг адвокати (66<sup>1</sup>-модда), эксперт (67-68 модда), мутахассис (69-70 модда), таржимон (71-72 модда), холислар (73-74 модда) нинг тушунчалари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ифодалаб берилган. Лекин, юқорида санаб ўтилган жиноят процесси иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида терговга қадар текши-рув органининг мансабдор шахси билан амалга оширадиган фаолияти ифода этилмаган.

Шу ўринда эътиборимизни терговга қадар текширув жараёнида бевосита қатнашувчилар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи иштирокчиларга қаратсак. Ушбу ишти-рокчилардан терговга қадар текширув жараёни-да ҳимоячи (49-53 модда), қонуний вакил (60-61 модда) ва вакилларнинг (62-63 модда) иштирок этишини кузатишимиз мумкин. Ушбу жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбури-ятларига эътибор билан разм солсак, бу ҳолатда ҳам терговга қадар текширув органлари билан амалга ошириладиган фаолият лозим даражада ифодаланмаганлиги, ҳолат мавҳумлигича қолган-лиги намоён бўлади.



**Аксарият шахслар ЖПКнинг 84-моддасида ўз ифодасини топган асосларнинг ушбу Кодекснинг 83-моддасида белгиланган реабилитация (оқлаш) учун асослар билан фарқини чуқур англаб етмайдилар. Бу эса, ўзини айбсиз ҳисоблаган айрим шахсларга нисбатан ҳам жиноят ишини 84-моддада назарда тутилган асослар билан рад этилишига ва мазкур жиноятни содир этган ҳақиқий айбдор шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.**



Фақатгина, ЖПКнинг 49-моддасининг тўртинчи қисмида ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши белгиланган.

Терговга қадар текширув жараёнида эътибор беришимиз лозим бўлган ҳолатлардан бири бу терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, қолаверса унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш зарурати бўлиб ҳисобланади.

ЖПКда терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қисман келтириб ўтилганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан ЖПКнинг 63-бобида ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган бўлиб, унда бевосита терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлса суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилиши ифода этилган. Яъни, терговга қадар текширув давомида терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсга амнистия актини қўллаш тўғрисида ариза ёзиш ҳуқуқлари берилганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрь кунидаги ЎРҚ-298-сонли «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 3-боби 18-моддаси (ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари)да ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига гумон қилинувчи ва айбланувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлишлари ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли «Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 8-бандида ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса, унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб ишда ҳимоячининг иштирок этишига рухсат берилиши ифода этилган.



**Терговга қадар текширув жараёнида эътибор беришимиз лозим бўлган ҳолатлардан бири бу терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш, қолаверса унинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш зарурати бўлиб ҳисобланади.**



Бу ўринда шуни назарда тутиш керакки, шахс ЖПК 221-моддасида кўрсатилган асосларга кўра ушланган ҳолларда, гарчи қонунда бу ҳақда тегишли баённома шахс ички ишлар органи ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилгандан сўнг расмийлаштирилиши белгиланган бўлса-да, унинг ҳаракатлини эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб гумон қилинувчи деб ҳисобланади. Айнан шу пайтдан бошлаб ушлаб турилган шахс гумон қилинувчига берилган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ҳимоячи олиш, яқин қариндошларига ёхуд адвокатига телефон қилиш ёки хабар юбориш, кўрсатув беришдан бош тортиш, шунингдек ўзи берган кўрсатувлари жиноят иши бўйича унга қарши далил сифатида ишлатилиши мумкинлигини билиш ҳуқуқидан фойдаланади. Шу туфайли, бундай ҳолларда у гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги ҳақидаги қарор унга эълон қилинмасдан ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилмасдан туриб, унга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 224-моддаси (Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш)га мувофиқ ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва

ундан яқин орадаги ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт эканлиги белгиланган.

Юқоридаги фикрлардан кўрииб турибдики, терговга қадар текширув жараёнида терговга қадар текширув ўтказилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалашга қаратилган норматив ҳужжатлар ЖПКда акс этган бўлиб, ушбу нормалар фақатгина эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлган ҳолатларда ва терговга қадар текширув жараё-

нида шахс ЖПКнинг 224-моддаси тартибида ушлаб турилгандагина таъсир доирасига эга.

По мнению экспертов, ещё одним фактором, отрицательно влияющим на независимость и беспристрастность судебной системы, является её неучастие в разработке своего бюджета. Это происходит в связи с тем, что ограничение финансов является одним из самых распространённых и эффективных способов контроля над любой структурой. Поскольку другие ветви власти или государственные институты оказывают значительное влияние на процесс распределения и распоряжения ресурсами.

Кроме того, международными нормативными документами также признаётся необходимость получения судебной системой достаточного финансирования. Основные принципы ООН закрепляют, каждое государство-член обязано предоставлять соответствующие средства, позволяющие судебным органам надлежащим образом выполнять свои функции[13]. Также, Европейская хартия о статусе для судей предусматривает, что государство должно обеспечивать судье средства, необходимые для надлежащего выполнения своих функций и, в частности, для рассмотрения дел в разумные сроки[14].

Для того, чтобы судебная система выполняла свои функции на должном уровне, что приведет к заслуженному доверию народа, она должна быть обеспечена достаточным и стабильным финансированием.

Необходимо отметить, что для формирования прочной материально-технической базы судебной системы в соответствии с современными требованиями Президентом Республики Узбекистан был принят Указ от 13.01.2021 года «О мерах по коренному совершенствованию системы финансирования деятельности судебных органов» № УП-6134. Согласно данному Указу с 1 октября 2021 года финансирование заработной платы и дополнительных выплат судьям и работникам судебных органов осуществляется полностью за счет средств республиканского бюджета Республики Узбекистан.

«Не будет свободы и в том случае, если судебная власть не отделена от власти законодательной и исполнительной», – написал Монтескье в своей книге «О духе законов»[15].

Безусловно, верховенство права в значительной степени определяется независимостью судебной власти. Поэтому крайне важно продолжать реформы по укреплению независимости судебной власти, чтобы эффективно обеспечить защиту прав и законных интересов граждан и субъектов предпринимательства.

1. Основные принципы ООН, касающиеся независимости судебных органов, принятые Седьмым Конгрессом ООН по предотвращению преступности и обращению с преступниками, проходившим в Милане с 26 августа по 6 сентября 1985 г. и поддержанные резолюциями Генеральной Ассамблеи 40/32 от 29 ноября 1985 г. и 40/146 от 13 декабря 1985 г.
2. Всеобщая хартия судей, одобренная Международной ассоциацией судей (МАС) 17 ноября 1999 г.,
3. Принцип 4.6 Бангалорских принципов и принцип А, пар. 4 (s) Принципов и руководящих положений по вопросу о праве на справедливое разбирательство и правовую помощь в Африке.
4. Закон Республики Узбекистан «О судах», от 28.07.2021 г. № ЗРУ-703, Национальная база данных законодательства, 29.07.2021 г., № 03/21/703/0723
5. Основные принципы ООН, касающиеся независимости судебных органов, цит. выше, принцип 10.
6. Всеобщая хартия судей, цит. выше, статья 9.
7. Европейская хартия о статусе для судей, цит. выше, резолютивный пар. 1.3.
8. Основные принципы ООН, касающиеся независимости судебной системы, принцип 11. принцип I.3 Рекомендации № R (94) 12 Совета Европы идентичен.
9. Принципы Содружества о верховенстве парламента и независимости судебных органов, принятые в Латимер-Хаус 1998 г.
10. Основные принципы ООН, касающиеся независимости судебной системы, принцип 13. Принцип А, пар. 4
11. Заключительные замечания Комитета по правам человека по Вьетнаму, документ ООН ССРР/СО/75/VNM, пар. 10
12. См. принципы 16-17 Основных принципов ООН, касающихся независимости судебных органов.
13. Основные принципы ООН, касающиеся независимости судебных органов, цит. выше, принцип 7
14. Совет Европы, Европейская Хартия о статусе для судей, DAJ/DOC (98) 23, резолютивный пар. 1.6.
15. Всеобщая хартия судей, одобренная Международной ассоциацией судей (МАС) 17 ноября 1999 г.



# РЕАБИЛИТАЦИЯ

# ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE  
INSTITUTE OF REHABILITATION

**Муродов Бахтиёр Баходирович,**  
Юридик фанлар доктори,  
профессор. Ўзбекистон  
Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси Тергов  
фаолияти кафедраси бошлиғи



**Murodov Bakhtiyor Bahodirovich**  
Head of the cathedra of Investigate  
activity Academy of the Ministry of  
Internal Affairs of the Republic of  
Uzbekistan



**Асқаров Мирзохид  
Миржалол ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги  
Академияси Тергов фаолияти  
кафедраси катта ўқитувчиси

**Askarov Mirzokhid Mirzhalol ugli**  
Senior teacher of the cathedra  
of Investigate activity of the  
Academy of the Ministry of  
Internal Affairs of the Republic  
of Uzbekistan

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада реабилитация институ-  
тининг тарихи, ривожланиш босқичлари, тушунчаси,  
жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация  
институтини такомиллаштириш зарурати, миллий  
қонунчилик ва хорижий давлатлар тажрибасида-  
ги тутган ўрни атрофлича ёритилган. Шунингдек,  
халқаро ва миллий қонун ҳужжатлари, юридик  
адабиётлар чуқур тадқиқ қилиниб, реабилитация  
тушунчасига берилган таърифлар қиёсий таҳлил  
қилинган ва ушбу тушунчани мазмунан тўлдириш  
юзасидан илмий-ҳуқуқий доктринал таклифлар  
берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** реабилитация, шахс, ҳуқуқ ва эркинли-  
klar, тергов, суд, ғайриқонуний, асоссиз, бузилган,  
тиклаш.

**ANNOTATION.** This article describes in detail the history of  
the institution of rehabilitation, stages of development,  
concept, the need to improve the institution of  
rehabilitation in criminal procedure, its role in national  
legislation and the experience of foreign countries.  
Also, an in-depth study of international and national  
legislation, legal literature, a comparative analysis of  
the definitions of the concept of rehabilitation and  
scientific and legal doctrinal proposals to supplement  
this concept.

**KEYWORDS:** rehabilitation, identity, rights and freedoms,  
investigation, trial, illegal, unfounded, violated, recovery.

**У**збекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ва мазкур соҳада давом эттирилиши лозим бўлган бир қанча вазифалар юзасидан тўхталиб, дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлигини қайд этиб, энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқни тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, “нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган?” деган саволни ҳам кўндаланг қўйиб, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келганлигини таъкидлади.[1]

Тарихий манбаларда қайд этилишча, “реабилитация” тушунчаси ўрта асрларда Францияда пайдо бўлиб, маҳкумни аввалги ҳуқуқларини тиклаган ҳолда афв этиш сифатида талқин қилинган. Шунинг учун ҳам бу тушунчани фанга биринчи маротаба Франциялик олим, қонуншунос Блейниан расмий равишда олиб кирган.[2]

Дастлаб айрим хорижий давлатларнинг жазо тайинлаш тизимида шахсни реабилитация қилиш “ислоҳот” ва “тавба” шаклидаги ёндашув сифатида қаралган [3] бўлса, мамлакатимизда реабилитация тушунчаси

1930–1940 йиллардаги қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштириш ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини тиклашга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилган.[4]

“Реабилитация” сўзи лотинча “rehabilitatio” сўзидан олинган бўлиб, “re” янгиланишни, “habilitas” эса қобилият маъносини англатади. Дастлаб, афв этиш усули сифатида пайдо бўлган реабилитация кейинчалик мустақил юридик институтга айланган.[5]

Рус тилининг изоҳли луғатида реабилитация тушунчасига “яхши номи ва обрўсини йўқотган шахснинг номи ва обрўсини тиклаш, шахснинг асосиз судга тортилганлиги натижасида ҳукмнинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳамда судланганлигининг бекор қилиниши”[6] сифатида таърифланган.

Шу ўринда, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида, “Реабилитация (лот. – rehabilitatio тиклаш) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан жиноят содир этишда асосиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахс шаъни ва қадр-қимматининг тикланиши”[7] сифатида қайд этилган бўлса, айрим юридик адабиётларда унга шахснинг “олдинги ҳолатини қайта тиклаш” деб таъриф берилган.[8]

Шунингдек, ўзбек тилининг изоҳли луғатида “реабилитация” сўзига “жिनоят содир этишда асосиз гумон қилинган ёхуд айбланган шах-

снинг пок номи, шаъни ва қадр-қимматининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан тикланиши”[9] сифатида таърифланиб, ушбу институт ҳақидаги умумий ҳуқуқий тушунча “ҳуқуқларнинг тикланиши” сифатида жуда тор маънода қўлланилган.

Сўнги пайтларда бир қатор интернет жаҳон ахборот тармоқларида Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ соҳасига оид маълумотларни учратишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси миллий интернет ҳуқуқий порталининг, юридик луғатида (лот. rehabilitatio “роқ-лиги тиклаш”) реабилитация – бой берилган ҳуқуқ ва имтиёзларни қайтариш, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, озодликдан маҳрум этиш, айбсиз шахсларни ноҳақ ҳукм қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ чекланишларини бартараф этиш, шунингдек, келгуси вақтга ҳуқуқий лаёқатни тиклаш”[10] деб таърифланган.

Мустақиллик йилларидан ҳозирга қадарли суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар орқали шахсларни реабилитация қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлигини нафақат қонунларимиз, балки қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларимизда ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-қ/қ, 5, 5, 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисида”ги Низом [11] да “реабилитация – қонунга хилоф ёки асосиз равишда жиноий таъқиб қилинган ҳарбий хизматчининг маҳрум этилган ёки қилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда етказилган зарарни қоплаш” деб таърифланган.

Шунингдек, мазкур институт бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган олимларимиздан У.А.Тўхташевнинг фикрича, “реабилитация – айбсиз шахснинг қонунга зид равишда жиноий жавобгарликка тортилиши, озодликдан маҳрум этилиши ва бошқа чекланишлар натижасида бузилган ҳуқуқлари қайта тикланиши ва келгуси фаолияти учун тўсқинлик қиладиган барча омилларнинг бекор қилинишидир”[12]. Бироқ, берилган таърифга реабилитация тушунчасини тўлиқ қамраб олиш нуқтаи назаридан қўшилиб бўлмайди. Бизга маълумки, шахс нафақат суд процессида, балки терговга қадар текширув ва дастлабки тергов давомида ҳам реабилитация қилинади. Бу нафақат қонунчилигимизда, балки амалиётда ҳам ўз исботини топиб келмоқда. Юқоридаги таърифда эса, реабилитация институти фақат шахсни жавобгарликка тортиш ва унга нисбатан жазо тайинлаш билан боғлиқ ҳолатлардагина қўлланилиши мумкин деган маъно келиб чиқмоқда.

“Реабилитация – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми билан айбсиз деб эълон қилиш ёхуд уларга нисбатан ЖПКнинг 83-моддасига биноан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки ишни тугатиш, шунингдек қонунга хилоф равишда тергов ҳаракатларига жалб этиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жавобгарликка тортиш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарларни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахснинг аввалги мавқесини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир”[13] дея таърифлаган. Мазкур таърифда реабилитация нафақат суднинг ҳукми билан айбдор деб топилган шахсларга, балки жиноят ишини қўзғатишни



рад этиш ёки тугатиш қарори билан ишга гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Мазкур тушунча Россия Федерацияси ЖПК 5-моддасининг 34-бандида “реабилитация – жиноят ишига қонунга зид ва асоссиз равишда жалб этилган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларининг тикланиши ҳамда уларга етказилган зарарларни қоплаш тартибидир”[14] дея қайд этилган.

Хорижий давлатларда “реабилитация” тушунчасига берилган таърифлар бироз мунозарали. Мисол учун, АҚШ ва Англияда “реабилитация” атамаси жиноят содир этганлик учун жазо ўтаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини, шунингдек, ноқонуний жазоланганларни мавқесини тиклаш жараёнини билдиради.[15]

Бошқа бир олим Н. Уэбстернинг “Америка тилидаги янги сўзлар луғати”да [16] “реабилитация – шахснинг йўқотган унвони, обрўси ва бошқа ҳуқуқларини қайтариш орқали тиклаш” деб ифодаланган.

Оксфорд ҳуқуқий луғатида маҳкумларни реабилитация қилиш деганда “оғир жиноят учун ҳукм қилинган шахсга маълум вақт ўтгач, унга ҳеч қачон жазо олмагандек муносабатда бўлишга арзийдиган тамойил”[17] тарзида тушунилиши кўрсатилган. Келтирилган мазкур таърифни миллий қонунчилигимизга нисбатан солиштирганда реабилитация натижасида судланганликни олиб ташлаш ёки оқланиш ҳолатига тенгдир.

Ғарбий Европа мамлакатларида XVIII асрнинг иккинчи ярмида реабилитация – келгусида судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқларнинг тугатилишини англатарди.[18] Бу сиёсат бошқа бирор-бир маънога эга бўлмаган ва тузалиш йўлига кирган жиноятчиларнинг ёки маълум муддатдан кейин жазони ўтаб қайтган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини тиклашга қаратилган эди.

Реабилитация тушунчаси бўйича бир қанча ёндашувлар мавжуд. Айрим олимлар тадқиқот натижаларида “реабилитация – бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тегишли қарорда ҳодисада жиноят таркиби йўқлиги, маълум бир жиноятда айбланувчи ёки маҳкумнинг иштироки исботланмаганлиги сабабли, айбсиз эканлигини тан олиниши ва уларнинг жамиятдаги ҳуқуқлари ва обрўсини тиклаш”[19] деб таъриф берганлар.

Таърифланаётган тушунчага россиялик олим Н.Э.Шалумова “унга қонунда белгиланган кафолатдан фойдаланиб, шахснинг қилган мурожаати асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг жиноят ишига асоссиз ёки қонунга зид равишда жалб этилган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини қайта тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган процессуал ва ташкилий фаолият”[20] деб изоҳ берган. Албатта,

юқорида келтирилган таърифда реабилитация қилиш асосларининг у ёки бу жиҳатлари ёритиб берилган. Бироқ, мазкур таърифда ваколатли мансабдор шахс томонидан ҳуқуқлари бузилган шахсни реабилитация қилиш масаласини кўриб чиқиш унинг мажбуриятига эмас, балки ихтиёрига боғлиқдек, шахс бузилган ҳуқуқларини тиклаш масаласида мурожаат қилган тақдирдагина, унинг мурожаати кўриб чиқилиши мумкиндек кўринади. Лекин асоссиз қабул қилинган ҳар қандай қарор натижасида ҳуқуқлари бузилган барча шахсларга нисбатан реабилитация қилиш учун етарли асослар мавжуд бўлганда, ваколатли шахслар уни қўллашга мажбур эканлигини унутмаслигимиз керак.

Юқорида “реабилитация” тушунчасига берган таърифларимизда мазкур тушунча юридик атамаларда қўлланилишидан ташқари, тиббиёт, сиёсат ва шу каби бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилишини келтириб ўтдик. Бу эса мазкур атаманинг изоҳига нисбатан ягона ва қатъий ёндашувда чалғишлар ва тушунмовчиликлар келтириб чиқаради. Юқоридагиларга кўра, жиноят-процессуал қонунчилигимизда “реабилитация” атамасини жиноят, жиноий жавобгарлик, жиноий жазо каби жиноят процессуал атамалар билан бирга қўллар эканмиз, “реабилитация”га берилган таърифни «жиноят процессуал муносабатларда реабилитация» деб тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратсак, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, ўзбек тилининг изоҳли луғати ва айрим олимларимизнинг қарашларида «реабилитация»ни амалда қўллаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатилган, гўёки судлар фаолиятида мазкур институтдан фойдаланилмайди ёки биринчи инстанцияларда кўрилган иш бўйича шахс айбдор деб топилиб, унга жазо тайинланган, бироқ кейинги инстанцияларда иш қайта кўриб чиқилиб, шахс оқланган ва реабилитация қилинган ҳолатлар амалдаги қонунларимизда тартибга солинмаган ёки амалиётда учрамаётгандек, суд органлари ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг бир тармоғи эканлиги назарда тутилгандек кўринади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг

2021 йил 28 июлдаги янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунинда

4-моддасида “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”.[21] Миллий қомусимиз бўлган Конституциянинг 11-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун



чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.[22] Шундай экан, реабилитацияга изоҳ ёки таъриф берилганда, суд органларини ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг бир тармоғи сифатида киритиш ёки изоҳлаш нотўғри бўлади.

Юқорида келтирилган таърифларга қўшилган ҳолда, реабилитация тушунчасини қуйидагича тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз, “Жиноят-процессуал муносабатларда реабилитация – гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумни қонунда белгиланган тартибда суднинг оқлов ҳукми билан айбсиз деб эълон қилиш ёхуд уларга нисбатан ЖПКнинг 83-моддасига биноан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, суриштирув ёхуд дастлабки терговда жиноят ишини тугатиш, шунингдек қонунга хилоф равишда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва судга жалб

этиш, жавобгарликка тортиш, жазолаш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган барча турдаги зарарларни давлат ҳисобидан ундириш ҳамда шахснинг аввалги мавқесини тўлиқ қайта тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир”.

Хулоса ўрнида айтганда, ЖПКнинг 83-моддасида қайд этилган реабилитация тушунчасига, уни қўллашга оид муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўлларини ўзида акс эттирган тегишли ваколатларга эга мансабдор шахслар учун жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатишнинг моҳиятини ёритишга доир аниқ ва қатъий қонун ёки қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, мазкур тушунчани жиноят процессуал муносабатларда хато ва камчиликларсиз қўллашда, мансабдор шахслар учун қонунларимиз бир ҳилда татбиқ этилишида катта аҳамият касб этади.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга мурожаатномасидаги нутқи. 29.12.2020й. <https://president.uz/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 14.09.2021).
2. Миролюбов Н.И. Реабилитация как специальный правовой институт. Казань. – 1902., Орлова А.А. Реабилитация. 2007.
3. Melossi D and Pavarini M., The Prison and the Factory: Origins of the Penitentiary System (MacMillan, 1981), p. 172.
4. Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, – 2012. – Б. 86.
5. Подопригора А.А. Реабилитация в уголовном процессе России. Дисс. канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2004. <http://kalinovskiy-k.narod.ru/b/podopri/1-1.htm>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 23.10.2021).
6. Словарь современного русского языка. М., 1961. Т. 12. С. 1051.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.6. Таҳрир ҳайъати: А. Абдувоҳитов, А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. – Т., 2004 – 704 б.
8. Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие в 2-х частях. Часть II / Автор-составитель У.А. Тухташева. – Т., 2007. – 513 с.; Орлова М.В. Институт реабилитации в уголовном процессе: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Москва, 2006. – 27 с.; Рукавишников П.П. К понятию реабилитации в уголовном процессе России // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД. – 2006.– № 3. – С.231.; Орлова А.А. К вопросу о концепции реабилитации в российском уголовном процессе // Современное право. – 2008. – № 5. – С.81-82.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, – Б. 364.
10. Ўзбекистон Республикаси миллий интернет ҳуқуқий портали, юридик луғати <https://huquqiportal.uz/dictionary/index.alphabet> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.08.2021).
11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-қ/қ, 5, 5, 21-сонли қарорига илова. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги Низом. <https://lex.uz/ru/docs/2355364>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.08.2021).
12. Тухташева У.А. Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие в 2-х частях. Часть II / Автор-составитель – Т., 2007. – 513 с.
13. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштириш: Дисс. ... юр. фан. док.– Тошкент: ИИВ Академия, 2018 – 83 б
14. Уголовный-процессуальный кодекс Российской Федерации. //URL:<http://www.consultant.ru/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 14.09.2021).
15. Подопригора А.А. Реабилитация в уголовном процессе России. Дисс. канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону. 2004. <http://kalinovskiy-k.narod.ru/b/podopri/1-1.htm>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 23.10.2021).
16. Зинькевич В.В. Актуальные проблемы охраны прав личности в советском уголовном судопроизводстве. Свердловск, 1989.
17. Иоффе О.С. Обязательственное право. М., 1975.
18. Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств. Петрозаводск, 2000. <http://kalinovskiy-k.narod.ru/b/podopri/1-1.htm>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2021)
19. Настольная книга судьи / под ред. А.Ф. Горкина. М., 1972. С. 358.; Либус И. А. Охрана прав личности в уголовном процессе. Ташкент, 1975. С. 26.
20. Шалумова Н.Э. Проблемы организации работы правоохранительных и судебных органов по реабилитации: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. - Екатеринбург, 2007. – 26 с.
21. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”-ги Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/68532>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2021)
22. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2021)

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШНИНГ  
ТАРИХИЙ-ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

## STAGES OF HISTORICAL AND DEVELOPMENT OF CRIMINAL PROCEEDINGS IN A SIMPLIFIED PROCEDURE



Дусманов Санджар Абдужалолович  
Судьялар олий мактаби  
мустақил изланувчиси

**S. Dusmanov**  
Independent researcher  
at the High School of Judges


**Аннотация.** Ушбу мақолада жиноят-процессуал иш юритуви шакллари дифференциация қилишнинг моддий ва процессуал мезонларини аниқлашга қаратилган. Жиноят ишлари бўйича соддалаштирилган шаклнинг зарурияти очиб берилган ва асослантирилган. Муаллиф, ҳуқуқни қўллаш амалиёти эҳтиёжларига мос келадиган ва жиноят суд ишларини юритишга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берувчи соддалаштирилган иш юритувининг янги шаклини жорий қилишни таклиф қилган.

**Калит сўзлар:** ноқонуний ҳаракатлар, реабилитация, зиённи қоплаш, ҳуқуқларни тиклаш, жиноят процесси.

**Annotation.** The article specifies the material and procedural criteria which differentiate the forms of the criminal proceedings. Revealed and substantiated the need for simplified proceedings in criminal cases. The author proposes to introduce a new model of simplified procedure, which would meet the needs of law enforcement practice and would fully ensure the protection of the rights and legitimate interests of persons involved in criminal proceedings.

**Keywords:** Criminal proceedings, differentiation of the procedural form, simplified proceedings

**Жиноят процессини либераллаштириш тарихий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ. Моддий жиноят ҳуқуқини ўзгаришига қараб, жиноят процессида жиноят судлов ишларини юритиш тартиби ҳам ўзгариб боради[1]. VIII асрдан бошлаб юртимиз худудида ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлган мусулмон ҳуқуқида соддалаштирилган тартибда иш юритишга алоҳида эътибор берилган, сабаби аксарият ишлар соддалаштирилган тартибда кўрилиб, жуда қисқа муддат мобайнида ҳал қилиниб, ижрога қартилган.**



Мусулмон ҳуқуқи назарияси алоҳида ҳолларда “таъзир” тоифасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилишга йўл қўяди. Жазонинг мазкур тури айбланувчи айбига пушаймон бўлганда сўзсиз чиқариб ташланади, шунингдек агар қилмиш хусусий ҳуқуқларга дахл қилса ваколатли орган “таъзир”ни одамда фақат жабрланувчининг талабига кўра қўллаши ва жабрланувчи айбланувчини кечирган ҳолда жазо қўллагаслиги мумкин бўлган[2].

Агар жабрланувчи шахс ўз ҳақидан кечиб, жиноятчини авф этса, унда жиноятчига жамият ҳақи учун жазо берилади, яъни унга таъзир уқубати белгиланади. Шундан келиб чиқиб, жазолар жамият ҳақи учун оғирроқ, шахс ҳақи учун енгилроқ белгиланади[3]. Бундан мусулмон ҳуқуқида оммавий-ҳуқуқий айбловдан келиб чиқиб дифференциация мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Шариат нормаларида ярашув масаласини сулҳ институти ҳам тартибга солган бўлиб, жиноятлар бўйича келишилган сулҳ дийат билан боғлиқ ҳолда тузилган. Бунда жабрланувчига товон тўлашда ва у билан келишувга эришишда жиноятнинг қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги муҳим аҳамият касб этган. Яъни, қасддан содир этилган жиноятда тўланадиган товон дийат миқдоридан кам бўлмаган ҳолда сулҳ тузилган ва жиноят эҳтиётсизлик орқасида содир этилганда тўланадиган товон дийат-

нинг миқдоридан ошиб кетмаслиги шарт бўлган[4].

Агар одил судловнинг адолатига таъсир қилмаса ва судга ишончга путур етказмаса соддалаштирилган тартиб, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг одатий(асосий) тартиби бўлган[5].

Бироқ соддалаштириш ҳар доим ҳам эзгу мақсадларга хизмат қилган деб айта олмаймиз. 1794-йил 10-июнда Францияда Робеспьер тайзиқи билан қабул қилинган “Халқ душманлари ҳақида” декретга асосан суд ишларини юритиш янада соддалаштирилиб, айбдорларни олдиндан сўроқ қилиш тугатилиб, фақат судда сўроқ қилиш ва ҳимоя ҳуқуқидан фойдалана олмаслиги белгиланди[6].

1917 йилга қадар мамлакатимиз худудида жиноят ва жазо тизимини тартибга солган Жиноят судлов ишларини юритиш уставида жиноят ишларини келишув ва ярашув асосида тугатиш асослари белгиланган эди.

Ўзбекистоннинг 1926 йилдаги ЖПК 113-моддасига мувофиқ, суд, муҳокамадан аввал судланувчига айбноманинг моҳиятини тушунтириб, сўнгра унинг айбномага бўлган муносабатини аниқлаши, судланувчининг айблов фикрига нисбатан эътироз бўлмаса, суд унинг охириги сўзини эшитиб, ҳукм қабул қилиш учун маслаҳатхонага кириши кўзда тутилиб, судланувчининг айбга муносабатидан келиб чиқиб суд муҳокамасини соддалаштириш кўзда тутилган эди.

СССР МИҚнинг 1934 йил 1 декабдаги “Иттифоқ республикаларининг амалдаги ЖПКга ўзгартириш киритиш ҳақида” Қарори совет ҳукумати вакиллариға қарши жиноятларни тергов қилишнинг 10 кунлик муддатини белгилаш билан бирга, кейинчалик мазкур ишлар трибуналда кўриб чиқилиб, шикоят берилмайдиган қарорлар чиқарилишини белгилади[7].

Давлат миқёсидаги қатағон сиёсати инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан эмас, балки авторитар диктатуранинг иродасидан келиб чиқиб, жиноят процессуал шаклларини соддалаштириш йўлидан бориб, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш тизимидан воз кечди.

1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “учлик” лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди[8].

Суд маросими расмий тартиб чегараси йўқ даражада юзаки ўтказилган, ишлар гувоҳларсиз 5–10 дақиқа муддатда кўриб чиқилган, айрим ҳолатлардагина ярим соатгача чўзилиб кетган.

Шу вақт ичида судлардан учтаси «судланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириб беришлари, айблов хулосаларини ўқиб эшиттириши, айблов моҳиятини тушунтириши, айбланувчини «содир этган жиноят»га нисбатан муносабатини аниқлаши, унинг кўрсатмаларини ва сўнгги сўзини эшитиши, маслаҳатчи хонада бўлиши, у ерда ҳукмни ёзиши, суд йиғилиши залиға қайтиб кириши, ҳукмни эълон қилиши амалға оширилган[9]. Ишларни кўриб чиқиш-

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги ЖПКси 100-моддасида дастлабки тергов мажбурий бўлмаган ишлар бўйича суриштирув материаллари ишни судда кўриш учун асос бўлиши кўзда тутилган эди. Яъни ишни судға қадар юритиш икки хил шаклда дастлабки тергов ва суриштирув шаклида амалға оширилар эди. Барча ишлар дастлабки тергов ўтказилиши мажбурий бўлган ва мажбурий бўлмаган ишларға ажратилиб, дастлабки тергов



**1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг “учлик” лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди.**

нинг мазкур репрессия тартиби 1956 йилға қадар давом этган.

Албатта мазкур салбий оқибатлар ва оқибатлар соддалаштириш масаласи ва айбга иқдорликнинг процессуал шаклга таъсири юзасидан салбий муносабатнинг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Шунга қарамасдан соддалаштиришнинг баъзи шакллари амал қилганлигини таъкидлаш ўринли.

Жумладан, 1959 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 29-бобида ярашув доирасига тушувчи ЖКнинг 5 та моддаси бўйича жабрланувчи айбланувчи билан ярашганда жиноят иши қўзғатилмаслиги, қўзғатилган жиноят иши эса тугатилиши белгиланди.

ўтказиш мажбурий бўлмаган ишларни суриштирувчи бир ой муддатда айблов хулосаси билан судға юбориши мумкин эди.

Шу билан бирга, СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июлдаги «Безорилик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш ҳақида» қарорига асосан Совет Иттифоқида судға қадар иш юритишнинг безорилик ҳақида ишлар бўйича протокол шаклида иш юритиш белгиланди.

Шу сабабли 1959 йилдаги ЖПКсида айнан жиноят туридан келиб чиқиб иш юритишни соддалаштиришни ҳам кўзда тутган.

ЖПКнинг 384-моддасига асосан, Жиноят кодексининг 114<sup>1</sup>-моддаси ва 204-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган ишлар юзасидан суриштирув органи 5 кун муддат ичида содир этилган жиноят ҳолатлари ва ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаб, ундан шунингдек жабрланувчи ва шохидлардан тушунтириш хати олиб ишни судда кўриш учун зарур ҳужжатларни туплаши зарур эди. Ҳуқуқбузар ушланганлиги, шахси аниқланганлиги, содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан баённома тузилиб, унга барча ҳужжатлар илова қилиниб, баённома суриштирув органи бошлиғи томонидан тасдиқлангандан сўнг ҳуқуқбузарни таништириб, баённомани ўзига буни қайд



қилган. Материаллар прокурорнинг санкцияси билан судга юборилиши ёки агар 5 кун ичида содир этилган жиноят ҳолатларини аниқлаш имкони бўлмаса, суриштирув органи бошлиғи жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор чиқариб, суриштирув ўтказилиши кўзда тутилган.

Суд материалларни суд мажлисида кўриш учун етарли деб топса, жиноят иши қўзғатиш ва ҳуқуқбузарни судга бериш ҳақида ажрим чиқариши ва суд мажлисида кўриб чиқиши ёки материалларни қўшимча суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш учун қайтариши, ёки жиноят иши қўзғатишни рад қилиши мумкин эди.

Материаллар келиб тушган вақтдан 5 кун ичида кўриб чиқилиши кўзда тутилган, бироқ ишни кўриш чоғида суд мажлисида аниқлашнинг имкони бўлмаган муҳим қўшимча ҳолатларни аниқлаш зарурати туғилган суд ишни суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш учун қайтаришга ҳақли бўлган.

Суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилган безорилик, давлат ёки жамоат мулкани майда талон-торож қилиш юзасидан ишлар судга келиб тушган вақтдан бошлаб 10 кун ичида кўрилиши лозим бўлган.

Демак, ушбу тажрибанинг энг нозик жиҳати жиноят иши суд томонидан қўзғатилганлиги, айблов суд томонидан шакллантирилиши,

Бироқ, протокол шаклида иш юритишни ягона истисно деб аташимиз мумкин, сабаби “совет жиноят процессининг ягоналиги” атамасининг ўзи яъни “совет жиноят процесси совет одил судловининг умумий принциплари ва барча жиноят ишлари ягона вазифаси бўлган ҳақиқатни аниқлаш, ушбу ишларни адолатли ҳал қилиш ва процесс иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан шартланадиган, барча судларда ва барча ишлар бўйича иш юритишнинг ягона тартибидан иборат[10]лиги дифференциация имконини чеклаган.

1990 йилларга келиб, бутун дунёда жиноятчилик сонининг кескин ортиши, яъни анъанавий жиноят процессуал воситалар билан жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш қийинлашганлиги соддалаштирилган тартибни объектив заруриятга айлантirdи. Бироқ аксарият олимлар П.М. Михайлов[11], А.Д. Бойков[12], Ю.И. Стецовский[13], В.Н. Махов, М.А. Пешков[14], И.Л. Петрухин[15] ҳар қандай соддалаштирилган тартиб процессуал кафолатлар ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлиши нуқтаи назаридан мазкур тартибга қарши чиққан. Яъни масалага амалиётчиларнинг ва олимларнинг

қарашлари ўртасида жиддий фарқ бўлган. Суд муҳокамасининг алоҳида тартибида «...айбланувчи айбсизлик презумпциясига зид равишда дархол жиноятчилар қаторига ўтказилади, натижада восита мақсадни оқлайди ғоясини амалга оширамиз, яъни бунда “иқрорлик-мақсад”, “келишув-воситага айланади” [16].

1987 йилда Европа Иттифоқи Министрлар Кенгашининг № 6 г (87) сонли “Жиноят ишлари бўйича одил судловни соддалаштиришга оид” Тавсияси билан турли давлатлардаги мазкур йўналишдаги ислохотларни асосий йўналишлари сифатида жиноят-процессуал фаолиятни мақбуллаштириш яъни соддалаштирилган тартибда иш юритиш белгиланди.


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси”( Ўзбекистон Республикасининг 08.07.2008 йилдаги УРҚ-160 Қонуни билан ратификация қилинган) 26-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат Конвенция билан қамраб олинadиган қандайдир жиноятни тергов қилиш ёки жиноий таъқиб қилишда жиддий ҳамкорлик қилган айбланувчининг жазосини зарур ҳолларда енгиллаштириш имкониятини кўриб чиқиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилдаги Жиноят-процессуал кодексига ишни судга қадар юритиш унификация қилинган бўлиб, ягона процессуал шакл дастлабки тергов шаклида амалга оширилиб, соддалаштирилган тартиб кўзда тутилмаган эди. Яъни, мазкур кодекс жиноят-суд ишларини юритишнинг протокол ва хусусий айблов шаклларини тугатиб, барча жиноятлар бўйича ягона процессуал шаклни жорий қилди. Натижада протокол шаклида иш юритиш бўйича шаклланган амалиёт барҳам топиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган ишлар бўйича ҳам, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ҳам бир хил тартиб амал қила бошлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонунига мувофиқ Жиноят-процессуал кодексига “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” деб номланган 62-боб киритилиши билан жабрланувчи Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланди. Ўтган давр мобайнида, ярашув институти жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган шакли мавжуд эмаслиги муаммосини



**1990 йилларга келиб, бутун дунёда жиноятчилик сонининг кескин ортиши, яъни анъанавий жиноят процессуал воситалар билан жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш қийинлашганлиги соддалаштирилган тартибни объектив заруриятга айлантirdи.**



қисман ҳал этишга хизмат қилди, бироқ унинг мақсади, пировардида қўллаш доираси чекланганлиги жиноят ишлари юритувини соддалаштириш муаммосини ҳал қилгани йўқ. Ярашув институтини амалиётда қўллаш, унинг ижобий ва шу билан бирга унинг самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни кўрсатди, шу сабабли доимий равишда такомиллаштириб борилди ва ҳали яқуни етгани ҳам йўқ.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 80% “Суриштирувчи ва терговчининг иш вақти самарали ташкил қилинган деб ҳисоблайсизми?” деган саволга, “Самарали ташкил қилинмаган, ижтимоий хавф катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишлари сони кўплиги сабабли уларга асосий вақт сарфланиб оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича ишларни тергов қилишга вақт етишмайди” – деб жавоб берган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги УРҚ-442-сонли Қонунига асосан, ЖПКга кирилган ўзгартишларга мувофиқ, жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгиланди. Яъни ишни судга қадар юритиш босқичида қилмишнинг ижтимоий хавфлигидан келиб чиқиб дифференциация қилиш имкони яратилди. Бироқ, мазкур ўзгартишда айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги белгиланганлигини инобатга олмаганда суд босқичида иш юритишни соддалаштиришни кўзда тутмади. Яъни ушбу ўзгаришни жиноят ишларини тергов қилишни соддалаштириш эмас балки тезлаштириш воситаси сифатида қаралса тўғрироқ бўлади.

Судга қадар иш юритишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши муносабати билан унинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Суриштирув деганда эндиликда жиноят ишини қўзғатиш, тугатиш, тамомлаш, эҳтиёт чораларини танлаш (бундан қамоққа олиш ва уй қамоғи мустасно) ваколатлари юклатилган суриштирувчи, суриштирув бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосарининг фаолияти тушунилади [17].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармо-

ни билан шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш кўзда тутилди.

Бугунги кунга келиб, олимлар ва амалиётчилар ўртасида ҳам соддалаштирилган шаклдан фойдаланиш, жиноят-процессуал кафолатларга тўлиқ амал қилинганда, жиноят процессида мураса ғоясини амалга ошириш, барча тарафларнинг манфаатларини инобатга олиш билан бирга, мавжуд куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш имконини бериши юзасидан умумий фикр шаклланди.

Судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиниши биринчи навбатда ишларга дифференциал ёндошувни таъминлаб, шахсларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларини кенгайтириш эвазига дастлабки тергов ва судда ишларни кўриб чиқилиши тезкорлиги самарасига эришилади. Яъни ишларни соддалаштирилган тартибда кўрилиши натижасида процесс иштирокчиларининг вақти тежалди, суд сансалорлигининг олди олинади, дастлабки тергов ва судларда иш хажми жиддий камаяди, бу эса бевосита тергов органлари ва судлар сифатини таъминлайди [18].

Бундан ташқари жиноят процессига замонавий ахборот коммуникацион технологияларни фаол кириб келиши, жиноят процессуал шаклни соддалаштириш муаммосини ўртага чиқарди. Соддалаштирилган шакл қўлланганида жазони енгиллаштириш тарзидаги имтиёз эса, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни тергов билан ҳамкорлик қилишга рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, жиноят процессида соддалаштирилган тартибни қўллаш тарафдорларини ҳам яқдил деб бўлмайди. Яъни баъзи олимлар кейинчалик алоҳида тартибда кўриб чиқиладиган ишларни дастлабки тергов босқичида соддалаштиришга, айбсиз шахсларни жалб қилиш эҳтимоли катталиги сабабли йўл қўйиб бўлмаслиги, шу билан бирга суд босқичида жиноят процессининг принциплариға тўлақонли амал қилиш шарти билан соддалаштириш объектив заруратлигини таъкидлашган.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 93-бет.
2. Ибрагимова Х.А Учебное пособие (курс лекций) по дисциплине «Проблемы мусульманского уголовного права» для направления подготовки «Юриспруденция», профиль «Уголовное право», Махачкала: ДГУНХ, 2016. – 45с.
3. Исхаков С.А. Мусулмон ҳуқуқи:ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик/ С.А.Исхаков, А.Р.Раҳманов,-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012,-195 б.
4. Хидоя: комментарии мусульманского права/ отв.ред., проф. д.ю.н. А.Х.Саидов. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 498 с.
5. Abdel M. Haleem, Adel Omar Sharif and Kate Daniels: Criminal Justice in Islam: Judicial Procedure in the Shariah. London, 2003. P. 9
6. Muhamedov H.M. Xorijiy mamlakatlar davlati va huquqi tarixi (Yangi davr davlati va huquqi). Darslik. III qism. Oliy o'quv yurtlarining yurisprudensiya yo'nalishi bo'yicha ta'lim olayotgan talabalar uchun darslik / Mas'ul muharrir: O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi, yuridik fanlar doktori, professor A.X.Saidov. – Т.: Toshkent davlat yuridik universiteti, 2018. – 341 bet.
7. Постановление ЦИК СССР от 01.12.1934 «О внесении изменений в действующие УПК союзных республик» // СЗ СССР. – 1934. – № 64. – Ст. 459.
8. “Ўзбекистон овози”, 1991 йил 15 сентябрь. Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари. Илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир: Б.Ҳасанов; таҳрир ҳайъати Б.Ҳасанов, Н.Каримов [ва бошқ.]; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. — Тошкент, 2012.
9. Р.Шамсутдинов. Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари//Т.-2012. Шарқ нашриёти 31 бет
10. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса... Т. 1. С. 65.
11. Михайлов П. Сделки о признании вины – не в интересах потерпевших // Российская юстиция. – 2001. – № 5. – С. 37.
12. Бойков А.Д. Судебная реформа: обретения и просчеты // Государство и право. – 1994. – № 6. – С. 19.
13. Стецовский Ю.И. Концепция судебной реформы конституционной законности в уголовном судопроизводстве // Государство и право. – 1993. – № 9. – С. 111.
14. Махов В., Пешков М. Сделка о признании вины // Российская юстиция. – 1998. – № 7. – С. 17 – 19.
15. Петрухин И. Сделки о признании вины чужды российскому менталитету // Российская юстиция. – № 5. – 2001. – С. 35 – 36; Он же. Теоретические основы реформы уголовного процесса в России [Текст]. Ч. 1. – М.: ТК Велби, 2004. – С. 83 – 85.
16. Печников Г.А. Диалектические проблемы истины в уголовном процессе: монография. – Волгоград, 2007. – С. 256 – 257.
17. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси.//ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н. доц. С.М.Раҳмоноваларнинг умумий таҳрири остида.-Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. 17 бет.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони//Халқ сўзи газетаси, 22.10.2016 й.209(6644)-сон.



**Абдурахимов Мухтор Ходжиақбарович**  
Ички ишлар вазирлиги Ташкилий  
департаменти Юридик таъминлаш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари  
мустақил изланувчи

**Abdurakhimov Mukhtor Khodjiakbarovich**  
Deputy head of the legal support  
Department of the Ministry of internal Affairs  
of the Republic of Uzbekistan  
Independent researcher



# ҲОДИСА ЖОЙИДА БИОЛОГИК КЕЛИБ ЧИҚИШГА ЭГА БЎЛГАН ИЗЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## FEATURES OF DETECTION AND EXTRACTION OF TRACES OF BIOLOGICAL ORIGIN AT THE CRIME SCENE

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг жиноятларни фош этишдаги тутган ўрни, ҳодиса жойида қон, сўлак, сперма, тер, соч каби биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни аниқлаш ва олишда қўлланиладиган усул ва воситалар, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни дастлабки тадқиқ қилишнинг моҳияти ёритилиб, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларнинг криминалистик классификациясига доир таклифлар билдирилган.  
**КАЛИТ СЎЗЛАР:** қон, сўлак, сперма, биологик из, дастлабки тадқиқот, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларнинг криминалистик классификацияси.

**ANNOTATION.** This article examines the role of the crime scene inspection in solving the crime, the essence of the preliminary investigation of traces of biological origin, methods and means used in determining and removing traces of biological origin, such as blood, saliva, semen, sweat, hair at the crime scene, and makes proposals for the criminalistic classification of traces of biological origin.

**KEYWORDS:** blood, saliva, semen, biological trace, preliminary investigation, forensic classification of traces of biological origin.



Криминалистика фанидан маълумки, ҳар қандай жиноятчини жиноят содир этилган жой билан излар боғлайди. Бундай изларни сифатли олинishi, улар орқали шахсни идентификация қилиш, жиноятларни тез ва тўла фoш қилишнинг гарови ҳисобланади. Қотиллик, номусга тегиш ва бошқа шу каби жисмоний қаршилик кўрсатиш билан кечадиган жиноятларда кўп ҳолларда ҳодиса жойида биологик келиб чиқишга эга бўлган излар (кейинги ўринларда – биологик из) қолади. Бу излар мазкур жиноятни фoш этишнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Биологик изларни қидиришнинг асосий мезони тезкорлик бўлиб, у биологик изларнинг тез бузилишга мойиллиги билан боғлиқ. Биологик келиб чиқишга эга бўлган излар кўпинча кўринмайди, вақт ўтиши билан ўз қиёфасини ўзгартиради, шунинг учун уларни аниқлаш учун, одатда, тегишли мутахассиснинг иштироки ва бир қатор техник воситалардан фойдаланиш зарур. Биологик изларни аниқлашда ҳодиса жойини кўздан кечириш алоҳида ўрин тутати. Таъкидлаш лозимки, ЖПКнинг 137-моддасида ҳодиса жойини кўздан кечириш тушунчасига таъриф берилмаган. Худди шунингдек, Россия Федерацияси ЖПКда [1], Козоғистон Республикаси ЖПКда [2] ҳам ҳодиса жойини кўздан кечириш тушунчасига таъриф берилмаган.

В.Ю.Шепитько эса криминалистикада ҳодиса жойини кўздан кечириш деганда терговчи ўзининг хиссий органлари орқали далилий аҳамиятга эга бўлган фактларни мавжудлиги ва уларнинг характерини англаб етиши назарда тутилишини таъкидлайди [3, 200-б.].

В.Ю.Шепитьконинг ҳодиса жойини кўздан кечиришни бундай тарза изоҳлаши умумий таъриф бўлиб, унинг мазмунини тўлиқ очиб бермайди. Замоनावий жиноятчиликка қарши курашишда ҳодиса жойидан кўзга кўринмас биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни олиш амалиёти терговчининг хиссий билишига эмас, балки замоनावий криминалистик техникаларнинг имкониятлари билан боғлиқ.

Ўз навбатида, А.И.Дворкиннинг фикрига кўра, ҳодиса жойидан кўздан кечириш давомида жиноятчининг изларини қидириш жиноятчининг антропологик, биологик ва психологик портретини яратишга ва бу орқали уни қидириш учун пойдевор яратишга хизмат қилади [4].

Назаримизда, А.И.Дворкиннинг фикри ҳам ушбу тушунчанинг мазмунини тўлиқ очиб бермаяпти. Чунки, ҳодиса жойини кўздан кечиришда аниқланадиган излар нафақат жиноятчининг шахсини аниқлашга, балки уни мазкур жиноятни содир этишда айбдорлигини исботловчи далилларни йиғишга ҳам қаратилади. Терговчи учун ҳодиса жойи жабрланувчи ва жиноятчининг хусусиятлари ва содир этилган жиноят механизмлари ҳақидаги моддий ахборот манбаси ҳисобланади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатига қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади:

“Ҳодиса жойини кўздан кечириш бу жиноятчини қидириш ва унинг айбини исботлаш учун зарур бўлган, ҳодиса жойидаги шарт-шароитларни қайд этиш орқали жабрланувчи, жиноятчи ва бошқа шахслар томонидан қолдирилган изларни аниқлаш ҳамда мазкур изларнинг ҳодиса жойидаги шарт-шароит ҳамда жиноят мотивлари билан мантқан ўзаро мувофиқлигини текширишга қаратилган тергов ҳаракатидир.”

Одатда жиноят ҳақида хабар келиб тушганда, ҳодиса жойига энг аввало терговчи бошчилигида, тезкор ходим, эксперт-криминалист, зарур ҳолларда кинолог (хизмат ити билан)дан иборат таркибдаги тергов-тезкор гуруҳи чиқади ҳамда икки нафар холисларни жалб қилиб, ҳодиса жойини атрофини ўраб олиншини таъминлаб, жиноят содир этилган жойга кириб-чиқишни тўхтатади. Сўнгра кинолог хизмат ити билан ҳодиса жойига кириб, жиноят содир этган шахсга тегишли бўлган ёки у текқан нарсалар орқали хизмат итига ис олдириб, унинг ҳодиса жойидан чиқиб, ҳаракатланган йўналишига ойдинлик киритилади. Хизмат ити томонидан олинган ис асосидаги йўналиш жиноятга алоқадор бўлган изларни аниқлаш мақсадида албатта кўздан кечирилиши лозим.

Шундан сўнгра, терговчи ҳодиса жойига холислар ва эксперт-криминалист билан кириб, кўздан кечиришни бошлайди. Қотиллик, номусга тегиш каби жиноятларда биологик изларни олиш учун ҳодиса жойини кўздан кечиришга суд-тиббий экспертдан ташқари, мутахассис биологни жалб қилиш керак. Айниқса, ҳодиса жойида мурда аниқланса мутахассис биологга бўлган эҳтиёж янада ортади. Қолаверса, ЖПКнинг 138-моддасига кўра, эксперт ва мутахассиснинг вазифалари турлича бўлиб, мутахассис биологнинг вазифаси ҳодиса жойида жиноятнинг биологик изларини аниқлашга кўмаклашишдан иборат.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда энг кўп учрайдиган биологик из қон ҳисобланади. У ҳодиса жойида тўқ қизил, жигарранг, қизил, баъзида кулранг сояли бўлади. Қон қуриган ҳолатда қора, яшил, кулранг ва оқ рангда бўлиши мумкин. Предметларни визуал кўздан кечириш вақтида қон предметлар юзасида қават бўлиб, қотиб туради ва унга бир оз кўпол муносабатда бўлиш қон изини йўқотилишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга,

жиноятчи ўзининг кийимидаги ва ҳодиса жойидаги қон доғларини йўқотишга ҳаракат қилиши мумкин. Шунинг учун ҳодиса жойини кўздан кечиришда қон доғлари ювиб юборилиши натижасида йиғилиб қолиши мумкин бўлган пол тирқишлари ва ёриқларида, ҳодиса жойидаги предметларнинг уланган жойларида, оёқ кийимда, стол-стулнинг оёқларида ва бошқа жойларда жойларда қидириш зарур.

Аниқланган биологик изларни қайси турдаги изга мансублигини аниқлаш учун дастлабки тадқиқот ўтказилиши мумкин. Бунинг учун турли препаратлар ва асбоблардан фойдаланилади. Мисол учун, этанолдаги 1%ли бензидин эритмаси, H<sub>2</sub>O<sub>2</sub>нинг 3%ли эритмаси каби препаратларнинг ҳодиса жойидаги аниқланган изларга таъсир эттирилиши натижасида кимёвий реакциялар рўй бериши ва изларни маълум рангга ўзгариши уларнинг қон эканлигини тасдиқлайди ёки аксинча. Ультрабинафша нурли лампа изга туширилганида изнинг жигарранг рангга ўтиши мазкур биологик изнинг қон эканлигидан далолат беради. Бироқ, ҳодиса жойидаги изларни қон эканлигини аниқлаш учун дастлабки тадқиқотларда бензидин, сульфат кислотаси каби препаратларни қўлланилиши мазкур қон изларини келгуси тадқиқот учун яроқсиз ҳолатга келтиради. Шу сабабли изнинг фақат бир қисмида дастлабки тадқиқот ўтказиш мумкин. “Гемофан” индикатор тести ҳам изларнинг қонга мансуб эканлигини аниқлашга ёрдам бериши мумкин. У оддий индикаторли тест бўлиб, тестнинг индикатори сув билан ҳўлланиб, изга таъсир кўрсатилади, тест индикаторидаги оч кўк рангдан тўқ кўк ранггача ўзгаришлар содир бўлиши ушбу изнинг қон эканлигидан далолат беради. Катта ҳудудларни кўздан кечириш ёки ювиб юборилган эски изларни аниқлашда люминол эритмасидан фойдаланилади. Уни бутун ҳудуд бўйлаб суртилса, қон доғларининг шаклини такрорлаб, кўзга кўринмаган қон доғлари аслида қандай ҳудудда жойлашганлигини кўриш ва уни ҳосил бўлиш механизми ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Излар қанча эски бўлса, қон доғларининг акси ҳам шунча кучсиз бўлади ва шу сабабли ундан кўпинча қоронғу хоналарда фойдаланиш зарур.

Яна бир биологик келиб чиқишга эга бўлган излардан бир бу сперма бўлиб, у оқ ёки сариқ сояли ҳолда бўлади. Матода сперма доғлари теккан жойлар унинг қолган қисмига нисбатан дағал ҳолатга келиб қолади ва қўл билан кўрилганда сезиш мумкин. Номусга тегиш жиноятлари бўйича ҳодиса жойидан спермани қидираётганда жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига асосан жиноят жойидаги предметларни кўздан кечириш зарур. Жабрланувчининг қинидан суртмаларни олиш кўп ҳолларда манфий натижа берганлиги сабабли, унинг эгнидаги кийимлари ва жиноят содир этилган вақтда тагида бўлган предметлар, кўрпа-тушаклар, гилам, полос ва ҳоказо предметлар батафсил кўздан кечирилиши, зарур бўлса, тўлиқ олиниши керак. Изларига ультрабинафша нурларининг туширилиши натижасида изнинг ёрқин ҳаворангга бўлиши ушбу изнинг сперма эканлигидан далолат беради. Ҳодиса жойида сперма бор-йўқлигини дастлабки тадқиқотдан ўтказиш учун “Фосфотест”дан фойдаланиш мумкин. Мазкур тестнинг индикатор қисми сув билан ҳўлланиб, изга таъсир кўрсатилади, 30 сонияда ёрқин бинафшарангнинг ҳосил бўлиши изнинг сперма эканлигини кўрсатади.



Тер изларини мавжудлиги кўл бармоқ изларининг аниқланганлиги ёки матонинг бир қисми ялтироқ рангга ўзгарганлиги, яъни шўралаганлиги билан аниқланади. Тер изларининг йўқолишига олиб келмайдиган бармоқ изларини аниқлаш учун махсус ёритиш орқали оптик катталаштириш йўли билан, рангли порошок билан чанглатиш услубини қўллаш ҳисобланади. Ҳодиса жойидан ички кийимлар, тароқ ва соқол олиш ускуналари аниқланган тақдирда, ушбу предметларда тер излари мавжудлигини аниқлаш учун олиниши лозим.

Сўлак излари кулранг ёки сарғиш рангга бўлади. Бироқ, қоғоз парчаларининг, сигарет қолдиқларининг ҳодиса жойида мавжудлиги, унда кулранг ёки сарғиш ранглар мавжуд-мавжуд эмаслигидан қатъий назар олиниши шарт.

Ҳодиса жойида аниқланган толасимон объектлар уларни соч эканлигига аниқлик киритиш учун олиниши лозим. Шу билан бирга, толасимон объектлар турли жиноятлар бўйича турли хил объектларда қолиш эҳтимоли мавжуд. Масалан, қотиллик, ўз жойига қасд қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш каби жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи албатта жабрланувчи билан айбланувчи ўртасида кечган курашнинг тахминий жойини аниқлаши, у ердаги барча предметлар, стол-стул, пол тахталари, деворлар, ошхона анжомларини тўлиқ текшириб, соч толаларининг аниқлаши лозим.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ жиноятлар бўйича транспорт воситасининг салони ичида, автомашина рули, ҳайдовчи ўриндиғидаги чехоллар ва салон ичи кўздан кечирилиб, айбланувчига тааллуқли бўлган биологик изларни аниқлаш лозим. Амалиётда, ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисасини содир этганидан сўнг қочиб кетиб, ҳайдовчиларни алмаштириш орқали терговни чалғитишга бўлган уринишлар кўпгина учрайди. Мана шундай ҳолатларда транспорт воситаси салонидан ҳақиқий ҳайдовчига тегишли бўлган қон доғларининг аниқланиши рулда айнан у бўлганлигини исботлашга ёрдам беради.

Талончилик, босқинчилик каби жиноятларда ҳодиса жойини кўздан кечиришда жабрланувчини боғлаш учун ишлатилган арқон, скотч, ҳодиса жойида ташлаб кетилган ниқоблар ва қўлқопларда тер ва сўлак қолдиқлари аниқланиши мумкин.

Ўғирлик жиноятларида ҳодиса жойидан жиноятчилар теккан кийим-кечаклар, кундалик анжомлар, сигарет қолдиқлари ва ҳоказо олиниши мумкин.

Ҳодиса жойида кўзга кўринмайдиган хажмдаги

биологик микроизларни аниқлаш учун махсус ёритгичли лупа керак бўлади. Биологик микроизларни ушбу изларни сақлаётган предметлар билан биргаликда олинади ҳамда дарҳол қадоқланиб, тегишли тартибда лабораторияга юборилади. Қоидага кўра, биологик микроизлар билан дастлабки тадқиқотлар ўтказилмай, терговчи томонидан тўғридан тўғри тегишли экспертиза тайинланади.

Дастлабки тадқиқот деганда – хали ашёвий далил мақомига эга бўлмаган, бироқ, маълум процессуал шартлар бажарилганида, ашёвий далил мақомига эга бўлиши мумкин бўлган объектларни ўрганиш тушунилади [5, 234-6].

Дастлабки тадқиқот ҳодиса жойидан олинган биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни қайси турга тааллуқли эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Микроизларни дастлабки тадқиқ қилинмаслигининг сабаби улар оз миқдорда бўлиб, дастлабки тадқиқот вақтида сарфланиб кетиши ва асосий тадқиқот ўтказилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, биологик микроизлар бўйича одам ДНКси суд-биологик экспертизаси натижасида сарфланиб кетиб, қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш имконияти йўқолган ҳолатларда экспертиза натижасидан қониқмаган манфаатдор томон экспертизани қайтадан ўтказиш ҳақида илтимоснома берса ёки дастлабки экспертизада эксперт олдиға қўйилиши лозим бўлган саволлар тўлиқ берилмаган тақдирда мазкур ҳолат муаммога сабаб бўлади. Шу сабабли, микроизлар бўйича экспертиза тадқиқотини ўтказишда унинг процессуал жиҳатдан тўғри расмийлаштирилишига, саволларни тўғри ва тўлиқлигига эришиш лозим.

Биологик излар аниқланганда, улар албатта суюқ ёки қаттиқ ҳолатда бўлади. Масалан, қоннинг қотиб қолганлиги ва унинг ранги жиноят содир бўлган вақт ҳақидаги тахминларни илгари суриш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, айрим

олимлар томонидан биологик изларнинг маълум белгиларга кўра классификацияси ишлаб чиқилган. Хусусан, Т.Н.Шамонова томонидан биологик изларнинг қуйидаги классификацияси таклиф этилган:

биологик келиб чиқишга эга бўлган инсон изларини ҳосил бўлиш объектига кўра: қўллар, оёқлар, лаблар, тишлар, инсон танасининг бошқа қисмлари, қон томирлари ва ҳоказо;

биологик келиб чиқишга эга бўлган инсон изларни ҳосил бўлиш механизмига кўра: суюқ ва қаттиқ объектлар;

биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни ҳосил бўлиш вақтига кўра: биологик изларнинг рангли, шакли, ва физик ҳолати;

биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни аниқлаш усулига кўра: кўз билан кўрган ҳолда (визуал), махсус асбоб-ускуналар ва биодетекторлар ёрдамида аниқланадиган биологик келиб чиқишга



эга бўлган изларга бўлинади [6, 15-6].

Бизнинг назаримизда, Т.Н.Шамонова таклиф этган классификация умуман олганда тўғри бўлиб, фақатгина биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни ҳосил бўлиш объектига кўра классификацияга бўлиш трассологик экспертиза ўтказишдагина аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишни ўринли деб биламиз. Чунки, тананинг турли қисмларидан олинган биологик излардаги идентификацион ахборот бир биридан фарқ қилмайди. Қолаверса, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни олиш услуби ҳам ушбу издан максимал даражада ахборот олишда аҳамиятга эга эканлигини инobatта олиб, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни олиш услуби бўйича классификациялаш ўринли бўлади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, биологик келиб чиқишга эга бўлган изларнинг қуйидаги классификацияси таклиф этилади:

1) Биологик келиб чиқишга эга бўлган излар турига кўра: қон, сўлак, сперма, тер, соч.

2) Биологик келиб чиқишга эга бўлган излар аниқланиш услубига кўра: кўз билан кўриб аниқланадиган излар; кўзга кўринмайдиган, махсус асбоб-ускуна ва техника воситалари билан аниқланадиган излар.

3) Биологик келиб чиқишга эга бўлган излар олиниш услубига кўра: биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни ўзини олиш; биологик келиб чиқишга эга бўлган изларни сақловчи предметларни олиш.

4) Биологик келиб чиқишга эга бўлган излар хажмига кўра: дастлабки тадқиқотдан ўтказиш мумкин бўлган излар; дастлабки тадқиқотдан ўтказиш мумкин бўлмаган микроизлар.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Россия Федерацияси ЖПКга қаранг. // [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

2. Қозоғистон Республикаси ЖПКга қаранг. // [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575852#pos=4002;-54](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852#pos=4002;-54)

3. Шепитько В.Ю. Криминалистика: учебник / Ю.В. Шепитько. – М.: Ин Юре, 2010. – 496 с.

4. Осмотр места происшествия: практ. пособие. /Бабаева Э.У., Бертовский Л.В., Дворкин А.И., Завидов Б.Д. [и др.]; под ред.: Дворкин А.И. М.: Юристъ, 2000. 336 с

5. Словарь по криминалистике. 1250 терминов и определений / (авт.-сост.А.М.Багмет и др.); под редакцией А.И.Бастрыкина. М.: Юнити-Дана, 2015 С. 383

6. Т.Н.Шамонова. Использование следов биологического происхождения, оставленных человеком, в расследовании преступлений насильственного характера. Автореферат. М. 2003, С.22



# ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОЙИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ,



## ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

### ISSUES OF LIABILITY FOR MONEY LAUNDERING, FINANCING OF TERRORISM AND FINANCING OF THE PROLIFERATION OF WEAPONS OF MASS DESTRUCTION IN UZBEKISTAN

Шомирзаев Саходулла  
Хасанбоевич

Давлат божхона қўмитасининг  
Божхона институти  
“Махсус-ҳуқуқий фанлар”  
кафедраси бошлиғи

Shomirzaev Sakhodulla  
Khasanboevich

Head of the Department of  
Special Legal Sciences of the  
Customs Institute of the  
State Customs Committee

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга нисбатан жавобгарлик масалаларини миллий қонунчиликда янада такомиллаштириш юзасидан хорижий тажриба ва таҳлиллар асосида мулоҳаза юритилиб, асосли таклифлар илгари сурилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** жиноий даромадлар, терроризмни молиялаштириш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий жавобгарлик, божхона органи, божхона чегараси, ФАТФ тавсиялари, нақд пул, валюта қимматликлари, пул воситалари, декларациялаш, олиб ўтиш.

**ANNOTATION.** This article discusses the issues of legalization of proceeds from crime, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction on the basis of foreign experience and analysis, and makes sound proposals.

**KEYWORDS:** criminal proceeds, terrorist financing, crime, administrative offense, criminal liability, customs authority, customs border, FATF recommendations, cash, currency valuables, cash, declaration, transfer.

Ўзбекистон Республикаси ФАТФ (ингл. Financial Action Task Force – “Молиявий ҳаракатлар бўйича махсус гуруҳ”, айрим адабиётларда “Пулларни ювишга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқувчи гуруҳ” деб юритилади) халқаро ташкилотига аъзо бўлмаса-да, мазкур ташкилотнинг минтақавий гуруҳларидан бири бўлган Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши ҳаракат қилиш бўйича Евросиё гуруҳи (EAG) орқали FATF фаолиятида иштирок этиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3947-сон қарори[1]га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таклифи асосида Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилган ва комиссиянинг ҳам қатор вазифалари белгилаб берилган.

Мазкур комиссиянинг вазифаларига ФАТФ тавсияларидаги талабларни ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилишни таъминлаш, ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш кабилар қиради.

**ФАТФ ташкилотининг асосий воситаси бўлган 40 та тавсия асосий уч йўналишни қамраб олади:**

1. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш кураш.

2. Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш.

3. Оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш.

Бу уч йўналиш ЖФОДЛ/ТМ/ОҚҚТМ қисқартмаси шаклида намоён бўлади. Ушбу қисқартма инглиз тилидаги маълумотларда AML/CFT/WMD (яъни Anti-Money Laundering/Combating the Financing of Terrorism/ Weapons of Mass Destruction) шаклида, рус тилидаги адабиётларда эса ПОД/ФТ/ПРОМУ (яъни Противодействие Отмыванию Доходов/ Финансированию Терроризма/ Финансированию Распространения Оружия Массового Уничтожения) шаклида келтирилади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2004

йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни[2] мавжуд бўлиб, мазкур қонуннинг 24-моддасида ушбу қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодекси[3]нинг 179<sup>3</sup>-моддаси айни шу йўналишдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди. Унга қўра, бундай маъмурий ҳуқуқбузарликлар сирасига ички назоратни, мижозларни лозим даражада текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш ва сақлашни, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этишни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир талабларни бузиш, операцияни амалга оширишни рад этиш, худди шунингдек махсус ваколатли давлат органига шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик, қонун ҳужжатлари талабларининг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишга ёки операцияларни тўхтатиб туришга оид қисмини ижро этмаслик, шунингдек, ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан бузиш, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб



қилиш, олиш ёхуд ошкор этиш каби ҳаракатлар киради.

- Мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликларни ФАТФ тавсияларининг учта катта йўналишларга бўлинганлигини ҳамда барча йўналишлар алоҳида таркибий қисмларга эгаллиги ва уларнинг ўзаро фарқланишини инобатга олиб, бир неча моддада акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, бу йўналишда содир этиладиган тегишли жиноий қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси[4] нинг 58, 73, 155<sup>3</sup>, 243, 246, 255<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган нормалар бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштиришда бу борадаги қилмишлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Эътибор берадиган бўлсак, учта йўналишда иккитаси тўғридан-тўғри жиноят деб тан олиниб, Жиноят кодексининг 243-моддасида “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” ҳамда 155<sup>3</sup>-моддасида “Терроризмни молиялаштириш” жиноятлари учун муқобил



**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш ҳаракатлари юзасидан миллий қонунчиликда ҳам криминализация амалга оширилганлиги ФАТФнинг 3 ва 5-тавсияларига тўла мувофиқ келади.**

жазоси бўлмаган 5 йилдан ортиқ ва 10 йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, оғир жиноятлар сифатида эътироф этилган. Бу эса ушбу қилмишларнинг қанчалик ижтимоий хавfli эканлигини билдиради.

Жиноят Кодексининг юқорида келтирилган қолган моддалари оммавий қирғин қуролларини тарқатилишига қарши кураш билан боғлиқ. Хусусан, Жиноят кодексининг 246-моддаси иккинчи қисмида ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва молламар контрабандаси, 255<sup>1</sup>-моддасида эса бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш, олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш жиноятлари назарда тутилган. Жиноят кодексининг 58-моддасида келтирилган тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашдаги енгиллик қоидалари ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролини, бундай қурол яратишда фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материалларни ҳамда ускуналарни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун жазолар тайинлашда қўлланилмаслиги, 73-моддасида эса жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳам айна шундай жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш ҳаракатлари юзасидан миллий қонунчиликда ҳам криминализация амалга оширилганлиги ФАТФнинг 3 ва 5-тавсияларига тўла мувофиқ

келади. Жумладан, мазкур тавсияларда улар жиноят сифатида кўрсатилган:

“3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти\*”

Мамлакатлар Вена конвенцияси ҳамда Палермо Конвенцияси асосида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни жиноят сифатида кўриб чиқишлари керак. Мамлакатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти тушунчасини имкон қадар предикат жиноятларни кенгроқ қамраб олиш мақсадида барча жиддий тусдаги жиноятларга қўллашлари керак.

5. Терроризмни молиялаштириш жинояти\*

Мамлакатлар Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш конвенцияси асосида терроризмни молиялаштиришни жиноят деб тан олишлари, бунда нафақат террорчилик ҳаракатларини молиялаштиришни, балки террорчилик ташкилотлари ва террорчи шахсларни молиялаштириш ҳаракатларига ҳам, гарчи муайян террорчилик ҳаракат(лар)ига ўша шахсларнинг алоқаси бўлмаган тақдирда ҳам, жиноят сифатида тан олиниши керак. Мамлакатлар бундай жиноятларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга предикат жиноятлар сифатида ўрнатиши керак”.

Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, жиноят қонунчилигимизда учинчи йўналиш, яъни оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича алоҳида жиноий жавобгарликни назарда тутувчи модда мавжуд эмас. Зеро, ФАТФ тавсияларида ҳам ушбу йўналишдаги қилмишларни криминализацияси ўрин олганга, яъни ФАТФнинг 7-тавсиясига кўра, давлатлар зиммасига оммавий қирғин қуролини тарқатилиши билан боғлиқ мақсадли молиявий чоралар кўриш, мазкур фаолиятда гумон қилинаётган шахслар ва ташкилотларни аниқлаш, уларнинг ҳисобларини “музлатиб қўйиш” чораларини кўриш юклатилган.

ФАТФнинг 32-тавсияси бевосита божхона органлари фаолиятига дахлдор бўлиб, унда нақд пул маблағларини ташувчи курьерлар ҳақида сўз юритил-

ган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, божхона органлари валюта назорати органларидан бири сифатида божхона чегараси орқали валюта қимматликларини ноқонуний олиб ўтилишига қарши курашади. Жумладан, ФАТФнинг 32-тавсиясида шундай дейилади:

“Мамлакатлар нақд пул ва бошқа шу каби воситаларни трансчегаравий жисмоний олиб ўтилишини аниқлаш бўйича уларни тақдим этувчига нисбатан тегишли чора-тадбирларга эга бўлишлари керак, шу жумладан, декларациялаш тизими ва (ёки) ахборот тизими орқали ҳам.

Мамлакатлар ўзларининг тегишли органларини нақд пул ва бошқа шу каби воситаларни олиб ўтилиши жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ ёки предикат жиноятларга алоқадор бўлган ёхуд нотўғри маълумот тақдим этилган ҳолларда уни тўхтатиш ёки чеклаш бўйича ваколатлариغا эга бўлишларини таъминлашлари лозим.

Мамлакатлар нотўғри декларациялаган ёки ахборот берган шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва чекловчи санкцияларни жорий қилиши лозим. Агар нақд пул ва бошқа шу каби воситалар жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган ёки предикат жиноятларга алоқадор бўлган ёхуд нотўғри маълумот тақдим этилган ҳолларда мамлакатлар ФАТФнинг 4-тавсиясига мувофиқ, мазкур нақд пул маблағлари ёки воситаларни конфискация қилинишини таъминлайдиган қонуний чораларни қабул қилишлари лозим”.

Хорижий амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 200<sup>1</sup>-моддасида “Нақд пул ёки пул воситаларининг контрабандаси” жинояти назарда тутилган, унда Божхона иттифоқининг божхона чегарасидан декларациясиз 10 минг, 20 минг ва 50 минг АҚШ доллари эквивалентдан ортиқ пул воситаларини ноқонуний олиб ўтганлик ҳаракатлари учун алоҳида жиноий жавобгарлик



ФАТФнинг 7-тавсиясига кўра, давлатлар зиммасига оммавий қирғин қуролини тарқатилиши билан боғлиқ мақсадли молиявий чоралар кўриш, мазкур фаолиятда гумон қилинаётган шахслар ва ташкилотларни аниқлаш, уларнинг ҳисобларини “музлатиб қўйиш” чораларини кўриш юклатилган.

белгиланган[5]. Шунингдек, АҚШ Жиноят кодексининг 533<sup>2</sup>-моддасида ҳам “Нақд пул воситаларини АҚШ-га контрабанда йўли билан олиб кириш ёки олиб чиқиш” жинояти мавжуд, ушбу жиноят эса 10 минг АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ миқдордаги пул воситаларини ноқонуний равишда АҚШга олиб кириш ёки олиб чиқиш орқали содир этилади. Ушбу жиноят учун 5 йилдан кам бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган[6]. Латвия Республикаси Жиноят қонунининг 195<sup>2</sup>-моддасида “Нақд пулларни декларациялашдан бўйин товлаш” жинояти баён этилган бўлиб, бунда кўп миқдордаги пул воситаларини давлат чегараси орқали декларацияламасдан ёки нотўғри декларациялаш орқали олиб ўтилиши тушунилади[7]. Демак, мазкур хорижий мамлакатлар амалиётида нақд пул ва пул воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатлар алоҳида жиноят сифатида квалификация қилинади, яъни божхона чегараси орқали умумий турдаги товарларни контрабанда қилиш жинояти сифатида кўрилмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида эса ҳар қандай турдаги товарларни (бунда Жиноят кодексининг 246-моддаси кўрсатилган “Контрабанда” жинояти предметларидан ташқари) божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтилган тақдирда, яъни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига божхона қонун ҳужжатларини бузган ҳолда олиб кирилган ёки олиб чиқилган ҳолларда, уларнинг миқдорига қараб, Жиноят кодексининг 182-моддасида кўрсатилган “Божхона қонун ҳужжатларини бузиш” жинояти билан квалификация қилинади. Яъни маъмурий преюдиция шарти билан товарлар кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда бўлиши мумкин. Мазкур модданинг 2-қисмида қайд этилган, яъни б, в, г бандлари:

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона

чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, — деган бандлари амалиётда жуда кам учрайдиган ҳоллар ҳисобланади. Ёки бу бандлар товарлар миқдори асосида қўзғатилган ишларда тегишли аломатлар натижасида қўшимча квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 177-моддасида назарда тутилган “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш” жинояти эса божхона чегарасидан пул воситаларини ноқонуний олиб ўтилишини қамраб олмайди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 8-сон қарорига мувофиқ, “валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибларни бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилади”[8].

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жиноят кодексининг 177<sup>1</sup>-моддаси, яъни “Валюта қимматликларини ноқонуний равишда божхона чегарасидан ўтказиш” ёки 182<sup>1</sup>-моддаси, яъни “Нақд пул ёки пул воситаларини ноқонуний равишда божхона чегарасидан ўтказиш” жинояти билан тўлдириш ҳамда бу турдаги жиноятлар учун миқдорига қараб, алоҳида жазо чораларини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бу эса, албатта, ФАТФ 32-тавсиясини Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида имплементациясини кучайтиради ҳамда нақд пул ва пул воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтилиши билан боғлиқ йирик миқдордаги жиноятлар содир этилишининг камайишига шароит яратади.



## ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:


1. <https://lex.uz/docs/3912609>
2. <https://lex.uz/docs/283717>
3. <https://lex.uz/docs/97664>
4. <https://www.lex.uz/acts/111453>
5. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)
6. <https://corpuslegalis.com/us/code/title31/bulk-cash-smuggling-into-or-out-of-the-united-states>
7. <https://lawyer-khroulev.com/wp-content/uploads/2019/09/ugolovnij-zakon-latvii.pdf>
8. <https://lex.uz/docs/1449617>

## Дикқат-эътиборингизни жамловчи сурат

Суратда қисқичбақа, қўнғиз, куш, илон, балиқ, тошбақа, ниначи, ўрдак, қуён, шиллиқурт, қурбақа, капалакни, шуниндек енот ва одамнинг бошини топинг. (14 та элемент)

### ИЛЛЮСТРАЦИЯ НА ВНИМАТЕЛЬ- НОСТЬ

Найдите на фото  
рака, жука, птицу,  
змею, рыбу, чере-  
паху, стрекозу, утку,  
кролика, улитку,  
лягушку, бабочку,  
голову енота и лицо  
человека. (14 эле-  
ментов)





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУЗУРИДАГИ ХУДУДИЙ ТЕРГОВ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ



Тошкент шаҳар ИИББ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғининг  
ўринбосари - Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**полковник Мустафаев Тимур  
Муйдинжонович**



Фарғона вилояти ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғи  
– ўринбосари тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Ахмадҷонов  
Ҳожиакбар Мусаҷонович**



Жиззах вилоят ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғининг  
ўринбосари-тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Холназаров  
Йигитали Хамидович**



Наманган вилояти ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғининг  
ўринбосари – тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Солиев  
Элбек Рустамович**



Навоий вилояти ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғининг  
ўринбосари- Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Касимов  
Санжар Комилович**



Бухоро вилояти ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғининг  
ўринбосари-тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Адиллов  
Ғиёс Ғуломович**



Андижон вилояти ИИБ  
Тергов бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари – Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташқил этиш бўлими  
бошлиғи

**подполковник Нажимов  
Бокибилло Холматҷонович**

Тошкент вилояти ИИББ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлигининг  
ўринбосари - Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**полковник Ташходжаев  
Дониёр Бахтиярович**

Қорақалпоғистон  
Республикаси ИИБ  
хузуридаги тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари – тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Игамбердиев  
Равшанбек Бабаджанович**

Қашқадарё вилояти  
ИИБ хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлигининг  
ўринбосари – Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Бўриев  
Орифжон Бурунович**

Сурхондарё вилояти  
ИИБ хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари-тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**майор Ибодов  
Жаҳонгир Насулло ўғли**

Хоразм вилояти ИИБ  
хузуридаги тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари-тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Саидов  
Музаффар Шавкатович**

Самарқанд вилояти  
ИИБ хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари-Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Исаров  
Фуркат Кахрамонович**

Сирдарё вилояти ИИБ  
хузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари-Тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Ахмедов  
Алишер Тилолович**

ИИБ Транспорт ва  
туризм объектларида  
хавфсизликни таъминлаш  
департаменти хузуридаги  
Тергов бошқармаси  
бошлигининг ўринбосари  
- тергов фаолиятини  
ташkilлаштириш бўлими  
бошлиғи



**подполковник Мамаюсупов  
Бехзод Муминжонович**



# ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИДА НАМУНАЛИ

ИИБ хузуридаги Тергов департаменти, жиноятларни тергов қилиш бошқармаси, Коррупция, фирибгарлик ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси



**Подполковник Якубов  
Хуршид Максадханович**

Бухоро вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими ўта муҳим ишлар бўйича терговчи



**подполковник Сунадов  
Рустам Раҳматиллоевич**

ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти тармоқ ички ишлар органлари Бухоро вилояти Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси хузуридаги тергов гуруҳи катта терговчиси



**майор Мурадов  
Отабек Турдиевич**

Наманган вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими катта терговчиси



**подполковник Хошимов  
Музаффар Тожимирзаевич**

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ хузуридаги тергов бўлими, катта терговчиси



**подполковник Горбасевич  
Виктория Александровна**

Жиззах вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими ўМИБ терговчиси



**подполковник Халиков  
Хабиб Зайниддинович**

# ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ХОДИМЛАР



**подполковник Ганиев  
Азиз Анварович**

Навоий шаҳар ИИБ  
бошлигининг ўринбосари-  
ИИБ ҳузуридаги тергов  
бўлими бошлиғи



**подполковник Ахмедова  
Асия Мустафаевна**

Тошкент шаҳар ИИББ  
Тергов бошқармаси, тергов  
ва суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими ўта  
муҳим ишлар бўйича  
терговчи



**подполковник Хасанов  
Шавкатбек Муталибжонович**

Андижон шаҳар  
бўйича ички ишлар  
органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш  
бошқармаси бошлигининг  
ўринбосари-Тергов бўлими  
бошлиғи



**майор Ибодов Жаҳонгир  
Насулло ўғли**

Сурхондарё вилояти  
ИИБ ҳузуридаги Тергов  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари-тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими  
бошлиғи



**майор Эгамова  
Дилфуза Рабимқуловна**

Самарқанд вилояти  
ИИБ ҳузуридаги Тергов  
бошқармаси тергов ва  
суриштирув фаолиятини  
ташkil этиш бўлими ўта  
муҳим ишлар бўйича  
терговчиси



**подполковник Турсунқулов  
Хожиакбар Алакбарович**

Фарғона вилояти ИИБ  
Иккинчи минтақавий ҳудуд  
тергов бўлими бошлиғи



**Редактор:**  
О.Ш. Хакимова

**Дизайнер:**  
М.Юлдошев

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурудаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 1209 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2181-2543

10.09.2021 да босишга рухсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8. «Segoe UI», «Times New Roman» гарнитуралари. Босма табағи \_\_  
Адади \_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_

«Колорпак» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,  
Янги шаҳар кўчаси 1 А.